

#УЙДА ҚОЛИНГ, БИЗ СИЗ УЧУН ХИЗМАТДАМИЗ!



WWW.MV-VATANPARVAR.UZ

@ VATAN@EVO.UZ

VATAN – MUQADDAS, UNI HIMOYA QILISH SHARAFLI BURCHDIR!

VATANPARVAR



Сайтибизга ўтиш учун QR-кодни телефон орқали сканер қилинг.

2020 йил 1 май, №18 (2873)

ИНСОНИЯТ



ВА УРУШЛАР



Урушлар сони – 15 000 дан ортиқ (5 700 таси катта)

қурбонлар: 3,5 млрд



Инсоният тинч яшаган муддат – 292 йил



Энг кўп давом этган – 1337 – 1453 йиллар Англия ва Франция уруши

қурбонлар: бир неча 100 000



Энг қисқа уруш – 1896 йил, 27 август, Англия ва Занзибар ўртасида

қурбонлар: тахминан 570

38

дақиқа давом этган



Энг кўп қирғин келтирган – 1939 – 1945 йиллар Иккинчи жаҳон уруши

қурбонлар: 50 – 80 млн



ОНА ХАЛҚИМ, ЎЗИНГ АСРА

Аҳли дунё кўрмаган не жафоларни,
Уруш, очлик, вабо, чечак... балоларни,
Омон чиққан енгил, минг бир савдоларни,
Она халқим, ўзинг асра балолардан.

Рўйи замин яна синов оташнда,
Элу элат жон асрамоқ ташвишида,
Сиз ҳам жангчи кўринмас ёв курашида,
Бедор бўлинг, бўлинг умид зиелардан.

Ҳар асрнинг бир қайғуси, бир нури бор,
Ҳар душмани маҳв этмоқнинг бир сирни бор,
Кўринмас ёв борлигини этмай ишло,
Ўзинг асра айрилиги жафолардан.

Лоқайддан кўрк, душман ундан афзал дерлар,
Имони бут узгаларнинг гамин ерлар,
Нажот бўлмас беморликка олтингу зар,
Афсус чекма ўнглаб бўлмас хатолардан.

Бу балога сабр, поклик бўлар қалқон,
Гуноҳларнинг махфиратин сўра ҳар он,
Азиз умринг ёв домига бўмай нишон,
Нажот ила сабру бардош, дуолардан.

Дард лашкари қалқонидир ҳар шифокор,
Бу жангтоҳда бўлмоқ қийин ғолибу нор,
Зафар туғин кўтармоқни айлаб қарор,
Мардона бўл, бўлгин ғолиб фидолардан.

Ўланнат юртинг, хур давлатинг – қалқонинг бор,
Халқим дея умри фидо султонинг бор,
Бирлаш, кураш, кўринмас ёв топар заво,
Она халқим, шахтинг бандан самолардан!

Зулфия ЮНУСОВА

● 27 апрель куни республикаимизга Туркменистон ҳудудидан кучли шамол кириб келиши оқибатида Бухоро, Навоий, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида секундига 9 – 40 метргача тезликда шамол эсган эди. Оқибатда уй-жойлар, автотранспорт воситалари, инфратузилма объектлари ва экин майдонларига зарар етди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу куни зудлик билан Бухоро вилоятига етиб борди. Олот тумани марказида маҳаллий аҳоли вакиллари, фаоллар билан учрашув ўтказилди. Тураржойлар ва инфратузилма объектларини таъмирлаш, аҳолига ҳар томонлама кўмаклашиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берилди. Қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт тармоқлари, жамоат хавфсизлиги юзасидан тезкор чора-тадбирлар белгиланди.

● Самарқанддан Бухоро вилоятининг Олот ва Қорақўл туманлари аҳолисига 2 минг дона шифер, 10 тонна картошка, 4 тонна сабзи, 4 тонна пиёз ва 2 тонна ўсимлик мойи жўнатилди.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди.

O'ZBEKISTON



НАФТА ИЧИДА

3 ВОДИЙ ҚАЛҚОНИ

9 «УРУШ ФАРЗАНДИ»НИНГ ҚАЙГУЛИ СЕВГИ ҚИССАСИ

15 ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА УЙГУН ҚАДРЛИ АЙЁМ

19 АРМИЯСИ ЙЎҚ ДАВЛАТЛАР

Мудофаа вазирлиги тизимига оид сўнги янгиликлар билан қуйидаги манзиллар орқали танишинг:



t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaa_press



facebook.com/UzArmiya



instagram.com/uzbekistanarmy

Шавкат Мирзиёев: юртдошларимиз чинакам сабр-тоқат ва масъулият, меҳр-оқибат фазилатларини намоён этмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 апрель куни пандемия даврида аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш ва нарх-наво барқарорлигини сақлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказди. Тадбир аввалида 27 апрель кечаси Бухоро, Навоий, Самарқанд, Қашқадарь вилоятларида юз берган табиий офат ва унинг оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирларига ҳамда коронавирус инфекциясига қарши кураш доирасида юртимизда амалга ошириладиган ишларга алоҳида тўхталиб ўтди, кенг жамоатчиликка мурожаат қилди. Давлатимиз раҳбари, жумладан, шундай деди:

– Хабарингиз бор, мен кеча Бухоро вилоятида бўлиб, юзага келган вазият билан яқиндан танишдим. Бу масала бўйича тузилган Республика комиссияси ва жойлардаги масъул мутасаддилар билан биргаликда ушбу ҳудудларда амалга ошириладиган барча ишларни батафсил муҳокама қилиб, тегишли чора-тадбирларни белгилаб олдик.

Мазкур вилоятларда бир қатор ижтимоий соҳа объектлари, табиий газ ва электр тармоқларига, тураржой бинолари ва маданий мерос иншоотларига, шунингдек, қишлоқ хўжалиги майдонларига жиддий талафот етган.

Шуни таъкидлаб айтмоқчиманки, давлатимиз, ҳукуматимиз томонидан табиий офатдан зарар кўрган ташкилот ва хўжаликларга, фуқароларга ёрдам ва кўмак бериш бўйича барча чора-тадбирлар ўз вақтида амалга оширилади.

Такрор айтаман, биронта ҳам юртдошимизни, биронта ҳам оилани ушбу қутилмаган фалокат қаршида ёлғиз қолдирмаймиз.

Энди эпидемиологик вазият ва пандемияга қарши кураш бўйича ишларга тўхталсак.

Бугунги кунда мамлакатимиз бўйича ушбу касалликка чалинган 1 066 нафар ёки 55 фоиз бемор тўлиқ соғайганини алоҳида қайд этмоқчиман. Охири

5 кунда – 505 нафар.

Қолган 894 нафар беморни ҳам даволаш юзасидан, ўзимизда амалий ёрдам бераётган 18 нафар хитойлик, германиялик, корейлик врачлар ҳамда телемедицина орқали бошқа етакчи хорижий мутахассислар билан ҳамкорлик қилган ҳолда, барча зарур чоралар кўрилмоқда.

Мамлакатимиз тиббиёт ходимларининг бугунги кунда касалликка қарши олиб бораётган машаққатли ва ўта масъулиятли меҳнатини муносиб қадрлаш ва рағбатлантириш учун кунга кеча яна бир муҳим қарорни имзоладим.

Унга кўра, санитария-эпидемиология хизматининг қарийб 11 мингга яқин барча тоифадаги тиббиёт ходимларининг иш ҳақи 2,5 бараварга оширилди.

Юртдошларимиз оғир синов кунларида чинакам сабр-тоқат ва масъулият, меҳр-оқибат фазилатларини намоён этипти.

Буни жаҳон ҳамжамияти ҳам тан олиб, ҳар томонлама эътироф этмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, пандемияга қарши курашнинг олдинги сафларида чинакам қаҳрамонлик кўрсатаётган барча шифокорларимизга, шу жумладан, тез ёрдам хизмати ходимлари ва ҳайдовчиларига алоҳида миннатдорчилик билдираман.

Шу жараёнда ўзини аямасдан хизмат қилаётган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига, мард ва жасур ҳарбийларимизга, вазирлик ва идоралар, ҳокимликларнинг раҳбарлари ва хизматчиларига, муҳтарам нурунийларимиз ва маҳалла фаолларига, саховатпеша тадбиркорларимизга, олимларимиз, ўқитувчи ва домлалар, ижодкор зиёлиларимиз, имом-хатибларимизга чин дилдан раҳмат айтаман.

Ҳозирги мураккаб шароитда ўз профессионал бурчини виждонан бажараётган оммавий ахборот воситалари вакилларига, инсонпарварлик намунасини кўрсатиб, кўнгилли бўлиб волонтерлик ҳаракатида қатнашаётган фидойи ёшларимизга ўз номидан, халқимиз номидан катта миннатдорчилик билдираман.

Ҳурматли дўстлар!
Республикаимизда санитар-эпидемиологик вазият аста-секин барқарорлашиб бораётганини ҳисобга олиб, мутахассислар билан маслаҳатлашган

ҳолда, карантиндан босқичма-босқич чиқиш бўйича навбатдаги қадамларни қўйиш вақти келди.

Чунки ҳаёт давом этмоқда.

Биз эртанги кун ҳақида, эл-юртимизнинг келажаги тўғрисида ҳар дақиқа ўйлашимиз керак.

Республика комиссияси тегишли чекловлар ўрнатилган ҳудудларда аҳоли томонидан эрталаб соат 7:00 дан 10:00 гача ҳамда кечкурун 17:00 дан 20:00 гача шахсий автомашиналардан фойдаланишга рухсат берилишини таъминласин.

Бунда:

шахсий автотранспортдан, биринчи навбатда, фуқароларимизнинг иш жойига, тиббиёт муассасаларига бориши ва уйига қайтиши, истезмол маҳсулотлари, дори-дармон ва тиббий буюмларни харид қилиши учун фойдаланиши; махсус рухсатномаларга (стикерларга) эга ва етказиб бериш хизматини кўрсатаётган фуқаролар эса шахсий автотранспортда ҳеч қандай чекловсиз ҳаракатланиши мумкинлиги белгилансин.

Шу билан бирга, ҳурматли олимларимизга, илмий-тадқиқот институтлари ходимларига, профессор-ўқитувчиларимизга санитария-гигиена нормаларини таъминлаган ҳолда ўз лаборатория ва кафедраларида кундалик ишларини давом эттиришларига ижозат бериш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Улар илмий ва ўқув жараёнларини ташкил этишга аста-секин тайёргарлик кўриб боришларига, мен ўйлайман, вақт беришимиз керак.

Албатта, вазиятимиз яхшиланиб, ижобий томонга ўзгариб бориши билан, 10 майдан кейин биз карантин режимини босқичма-босқич юмшатишга қаратилган ишларимизни янада дадилроқ давом эттирамиз.

Лекин такрор ва такрор айтаман: ҳамма жойда санитария талабларига амал қилишга биринчи даражали масала деб қарашимиз керак.

Мамлакатимизда пандемияга қарши кураш борасида ўтган вақт мобайнида муҳим тажриба орттирилди. Энди ундан юқумли касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш, санитария-гигиена қоидаларига қатъий амал қилиш ҳамда тиббий маданиятни ошириш йўлида самарали фойдалани-

шимиз зарур.

Таъкидлаб айтаман, агар бу талабларга барчамиз қатъий амал қилмасак, санитария-карантин нормаларига аҳамият бермасак, шунча қилган ишларимиз, кўрган чора-тадбирларимиз зое кетиши ҳеч гап эмас.

Энг асосийси, ҳар биримизнинг соғлиғимиз ўзимизга ва айна вақтда, бутун халқимизнинг соғлиғи ҳар биримизга, бизнинг онгу тафаккуримизга, тартиб-интизом ва сабр-бардошимизга боғлиқ эканини барчамиз ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Ҳурматли селектор қатнашчилари! 20 апрелдаги йиғилишда вирусдан холи туман ва шаҳарларда карантин қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда, корхоналар фаолиятини тиклаш бўйича топшириқ берилган эди.

Бунда, яна бир бор такрорлайман, шошилмасдан, пухта ўйлаб, карантин қоидаларига тўлиқ амал қиладиган корхоналар ишини тиклаш лозим.

Бу борада Наманган вилоятида фаолиятини тўхтатган ёки паст қувватда ишлаётган 10 мингдан зиёд корхонадан 2 минг 854 тасининг ишини тиклаш бўйича қарор қабул қилинган. Яна 851 тасининг ишлашига рухсат бериш масаласи ўрганилмоқда.

Хоразм вилоятида 3 минг 350 та ишламаётган корхонадан 448 тасининг фаолияти тикланади, 409 таси бўйича ўрганиш ўтказилмоқда.

Жиззах вилоятида иш қувватини пасайтирган 6 мингдан зиёд корхоналардан 534 тасининг фаолиятини тиклаш бўйича қарор қабул қилинган, 332 тасига рухсат бериш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Тошкент вилоятида иш ҳажми кескин пасайиб кетган 14 мингга корхонадан 5 минг 399 тасининг фаолиятини тиклаш бўйича қарор қабул қилинган, 2 минг 833 таси бўйича ўрганиш давом этмоқда.

Бугун ҳокимлар ва сектор раҳбарлари ўз ҳисоботида корхоналар фаолиятини тиклаш бўйича ишларни қандай ташкил этгани ва уларда карантин қоидалари тўлиқ бажарилишини шахсан кафолатлаши тўғрисида ахборот бериши керак.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.

ҲАРБИЙЛАР «МЕҲР-ШАФҚАТ ВА САЛОМАТЛИК» жамғармасига 2,143 млрд сўм ўтказиб берди

Бугунги кунда нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё ҳамжамияти коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш борасида муҳим чоралар кўрмоқда.


Шу кунларда мамлакатдаги барча соҳа вакиллари мазкур пандемияга қарши курашишда ёрдам қўлини чўзишга ҳаракат қилмоқда.

Мудофаа вазирлиги томонидан ҳам ҳозирга қадар «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармасига 2,143 млрд сўм ўтказиб берилди.

Мудофаа вазирлиги Марказий аппарати ҳамда унинг тасарруфидаги ҳарбий округлар томонидан ўтказилган маблағлар кесими қуйидагича:

- Мудофаа вазирлиги марказий аппарати – 103 миллион сўм;
- Шарқий ҳарбий округ – 196 миллион сўм;
- Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ – 317,5 миллион сўм;
- Тошкент ҳарбий округи – 346 миллион сўм;
- Шимоли-ғарбий ҳарбий округ –

Мудофаа вазирлиги томонидан «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармасига 2,143 млрд сўм ўтказиб берилди.



114 миллион сўм;

• Марказий ҳарбий округ – 515 миллион сўм.

Бундан ташқари, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари, Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги, бошқа ҳарбий қисм ва муассасалар томонидан фондга ўтказилган маблағлар 572 миллион сўмдан ошмоқда.

Шунингдек, Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари томонидан жойлардаги кам таъминланган, оиласида ногирон инсонлар бор ёки ижтимоий қўллаб-қувватловга муҳтож юртдошлар ҳолидан мунтазам хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатиб келинмоқда.

Ушбу маблағлар коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш ва уни қисқа фурсатларда бартараф этишга хизмат қилишига ишонимиз.

Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти

МИНБАР

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданок мамлакатимизда мудофаа соҳасига катта эътибор қаратилди. Чунки мавжуд ва содир бўлиши мумкин бўлган эҳтимолий таҳдидлар таҳлили юртимиз тинчлиги ва осойишталигини самарали ҳамда ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган тезкор, юксак жанговар қобилиятга эга, ҳар жиҳатдан яхши таъминланган Қуролли Кучларни шакллантиришни тақозо этарди. Шу мақсадда мамлакатимиз ҳудудида ҳарбий-маъмурий бирликлар – ҳарбий округлар тузилди.

ТАРИХ ВА ИСЛОҲОТЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 10 февралдаги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 1999 йил 12 февралдаги «Шарқий ҳарбий округ бошқарув органлари, қўшилма ва ҳарбий қисмларини шакллантириш тўғрисида»ги директивасига асосан шу йилнинг 1 май кунини 2-тезкор ҳаракатланувчи армия корпуси базасида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳудудларини ўз ичига олувчи Шарқий ҳарбий округ, бошқарув аппарати, қўшилма ва ҳарбий қисмлари тўлиқ шакллантирилди.

Шу кундан бошлаб Шарқий ҳарбий округ қўшинлари шахсий таркиби юртимиз хавфсизлиги ва халқимизнинг тинчлигини таъминлаш, мамлакатимиз мудофаа қудратини ривожлантириш, ҳарбий қисм ва муассасаларнинг жанговар шайлиги ва тайёргарлигини ошириш каби масъулиятли вазифаларни сифатли бажаришда ўзларнинг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

2017 йилдан бошлаб Қуролли Кучларимизда ислохотларнинг янги тўлқини бошланди. Бунинг натижасида жойларда «Армия ва халқ якдил» тамойилини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда олиб бориладиган фаолиятни мувофиқлаштириш ҳамда ҳарбий қисм ва муассасалар инфратузилмасини янада яхшилаш, ҳарбий хизматчиларга хизматни ўташ учун барча шароитларни яратиш мақсадида вилоятлар кесимида ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди.

Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида ҳарбий-маъмурий секторлар билан ҳамкорликда бир қатор самарали ишлар амалга оширилди.

Хусусан, округ ҳудудидаги ҳарбий қисм ва муассасаларнинг инфратузилмасини тубдан қайта қуриш, жиҳозлаш ва такомиллаштириш, Фарғона «Темурбеклар мактаби» ва дала-ўқув майдонларини замонавий талабларга мос равишда қайта қуриш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун барча қудайликларга эга замонавий кўп қаватли уйлар барпо этиш борасида тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Қўшинларнинг доимий жанговар шайлигини ошириш мақсадида жанговар машғулотлар 4 бараварга

ВОДИЙ ҚАЛҚОНИ

Шарқий ҳарбий округ ташкил топган кун



кўпайтирилди, жанговар тайёргарлик ва жанговар шайликка алоҳида урғу берган ҳолда ҳарбий хизматчиларнинг касбий маҳоратларини оширишга қаратилган чора-тадбирлар юқори сифатда ташкил этиб келинмоқда. Шу жумладан, отиш тайёргарлиги – 2,1, жанговар машиналарни бошқариш – 3,1, парашют билан амалий сакраш – 2,1, тунги машғулотлар – 3,1 ва ҳарбий-амалий анжуманлар – 4 мартага оширилди.

ЮҚОРИ ЖАНГОВАР ШАЙЛИК – МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Ўтган давр мобайнида Мудофаа вазирлигида олиб борилган ислохотлардан келиб чиққан ҳолда округда бир-бирини такрорловчи бўлинмалар қисқартирилди ва фаолиятни тугатилди. Округнинг жанговар қобилиятини оширувчи янги бўлинмалар ташкил этилди.

Мазкур ташкилий-штат ўзгаришлари Шарқий операцион йўналишида давлатнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаш бўйича округ қўшинлари жанговар қобилиятининг сезиларли даражада ошиши, оператив тизимнинг янада такомиллашишига олиб келди. Ҳозирги кунда доимий жанговар шайликдаги ва аралаш таркибдаги бригадалар таркибида ҳар қандай шароитда жанговар вазифаларни тез ва ўз вақтида бажара оладиган батальон тактик гуруҳларининг жанговар хизмат фаолияти олиб борилмоқда.

Шарқий ҳарбий округ бошқарув органлари ва қўшинларининг 2019/2020 ўқув йилида жанговар тайёргарлик жараёни ўтган ўқув йилларига нисбатан амалий машғулотлар кўрсаткичлари юқори бўлмоқда. Шахсий таркиб жанговар тайёргарлик машқларига тўлиқ жалб қилинди. Ўтказилаётган амалий отиш ва жанговар машиналарни ҳайдаш машғулотларининг 30 фоиз дан кам бўлмаган қисми тунги шароитларда ўтказилаётгани ҳам ҳарбий хизматчиларнинг ностандарт вазиятларга тўла тайёр эканлигини кўрсатмоқда.

Фарғона округ полигонини ва Ғурумсарой дала-ўқув маркази замон талабларига ҳамоҳанг ва жанговар

лари қайта реконструкция қилинди, шахсий таркибнинг доимий машғулоти олиб бориши учун қатор қулайликлар яратилди. Бу, албатта, ўз самарасини берапти. Мудофаа вазирлиги миқёсида ўтказилаётган ҳарбий-амалий ва Олимпия спорт турлари бўйича беллашуларда терма жамоаларимиз муносиб иштирок этиб, бокс, регби ва командирлик старт бўйича фахрли биринчи, волейбол ва офицерлар уч кураши йўналишида эса совринли иккинчи ўринни қўлга киритди.



тайёргарлик машғулотларини сифатли ташкиллаштириш имконини берадиган даражада қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозирги кунда ушбу дала-ўқув марказида жанговар тайёргарлик машғулотларидан ташқари халқаро миқёсдаги ўқувлар ҳам ўтказиб келинмоқда.

Келгусида вилоятларнинг ҳарбий-маъмурий секторлари «Йўл харитаси»да жанговар тайёргарлик объектиларини янада такомиллаштириш борасида аниқ режалар асосида мақсадли вазифалар белгилаб олинган.

ОКРУГ ҚЎШИНЛАРИ ХАЛҚАРО МАЙДОНЛАРДА

Шарқий ҳарбий округ тасарруфидоги доимий шайликдаги ҳарбий қисмлар шахсий таркиби ўртасида ҳар йили Халқаро армия ўйинларига тайёргарлик қўриш, Мудофаа вазирлиги терма жамоаси учун номзодларни саралаб олиш ва тайёрлаш бўйича «Мен ғолиб!» шиори остида мусобақалар ўтказиб келинади. Натижада ҳарбий хизматчиларда энг аввало ўзига бўлган ишонч, касбини севиш туйғуларини шаклланиб, улар ўртасида мусобақадорлик ҳамда соғлом рақобат муҳити вужудга келаётир.

Бунинг натижасида округ ҳарбий хизматчилари халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этишмоқда. Фахрли ўринларни эгаллаган ҳолда давлатимиз байроғини баланд кўтариб, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчиларининг қандай куч-қудратга эга эканликларини халқаро ареналарда намоиш қилишмоқда.

2019 йилда ўтказилган Халқаро «АрМИ – 2019» мусобақаларида округимиздан 29 нафар ҳарбий хизматчи иштирок этиб, 14 та мусобақада совринли ўринларни эгаллашга салмоқли ҳисса қўшилди.

Шунингдек, кейинги йиллар давомида округ ҳудудида Тожикистон, Беларусь, Германия, Россия Федерацияси, Туркия ва Хитой каби мамлакатларнинг ҳарбий хизматчилари билан ҳамкорликда турли махсус тактик ўқувлар ташкил этилди. Мазкур ўқув машғулотлари юрт посбонларининг касбий маҳоратини оширишга, уларнинг замонавий қуролли тўқнашулар жараёнида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларга шайлигини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Округ ҳарбий қисм ва муассасаларида спорт ва гимнастика шаҳарча-

Шунингдек, 2019 йил сентябрь ойида Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида ўтказилган бокс бўйича жаҳон чемпионатида округ спорт взводи ҳарбий хизматчиси лейтенант Миразиз Мирзахалилов 57 кг вазн тоифасида фахрли биринчи ўринни эгаллаб, жаҳон чемпиони бўлди. Округ ҳарбий хизматчилари эса 2019 йилги халқаро спорт мусобақаларида жами 8 та, шундан 3 та олтин, 3 та кумуш ва 2 та бронза медалга эга чиқди.

АРМИЯ ВА ЁШЛАР

Мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, жамиятдаги тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, миллий армиянинг жанговар қобилияти ва шайлигини мунтазам ошириб бориш, албатта, бирламчи вазифамиздир. Шунингдек, бугунги кунда армия ва халқ якдиллигига эришиш ҳам долзарб масалалардан бири эканлигини замоннинг ўзи исботлаб турибди. Шу маънода вилоятлар ҳарбий-маъмурий секторлари ҳудудида ҳарбий-маъмурий сектор аъзолари, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари билан биргаликда кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, буюк саркардаларнинг ҳарбий санъати ва кўмондонлик маҳоратларини ўрганишга қаратилган Амир Темур, Жалолоддин Манғуберди, Захириддин Мухаммад Бобур каби саркардалар ҳаётига оид мавзуларда акциялар ташкил этилмоқда. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий меросимизнинг тарихий илдиларини ўрганиш, Ватан озодлиги йўлида қаҳрамонлик кўрсатган буюк аждодларимиз ҳаётини кенг тарғиб қилиш, ёшларнинг китобга муҳаббатини оширишга қаратилган тадбирлар сон ва сифатининг ўзи алоҳида мавзу бўлади. Яхшиси, бунинг округ қамраб олган вилоятлар ёшларининг кўзларидан ўқиб олинг.

Хулоса ўрнида айтишдан бўлсак, Шарқий ҳарбий округ қўшинлари кўмондонлиги юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида ўз зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан ва садоқат билан адо этиб келмоқда.

Полковник Лутфулло БУЗРУКОВ,
Шарқий ҳарбий округ
қўшинлари кўмондони

ЖАРАЁН

Маълумотларда келтирилишича, ҳар йили дунё бўйлаб юз минглаб инсонлар папиллома вируси ва грипп сабаб ҳаётдан кўз юмар экан. Аммо ўтган йил охирида тарқалишни бошлаган коронавирус ўлим кўрсаткичлари билан қисқа вақт ичида бу икки касалликдан «ўзиб» кетди. Бугун бутун инсоният кўркүвда. Бу кўринмас душман олдида ҳатто дунёнинг энг қудратли ва бой давлатлари ҳам ожиз бўлиб қолди: биржаларда нефть нархи пасайиб кетди, иқтисодий инқирозга учради, йирик-йирик корхона ва ташкилотларда иш тўхтади. Дунёнинг кеча-ю кундуз одам гавжум шаҳарлари бўшаб қолди. Бу машъум пандемиянинг биз шу вақтгача тасаввур қилолмаган манзаралари... Хуллас, жаҳон аҳли юрак ҳовучлаб турибди. Бундай мураккаб вазиятда катта-ю кичикнинг фақат карантин қоидаларига амал қилишдан ўзга иложи ҳам йўқ.

Афсуски, Ўзбекистон ҳам корона-вирус хавфидан холи бўлмади. Бугун мамлакатда мазкур касалликка қарши қатъий чоралар кўрилмоқда. Карантин тадбирлари доирасида амалга оширилаётган ҳаракатларда эса ҳарбий хизматчиларнинг фаоллиги кўзга яққол ташланмоқда. Хусусан, мамлакат ичкарисида вирус тарқалишининг олдини олиш мақсадида вилоят ва шаҳарларга кириб-чиқиш постлари, карантинга олинган объектлар ҳарбийлар томонидан кучли назорат қилиниши таъминланди, вируснинг аҳоли ҳаётига соладиган хавфини камайтириш учун маҳалларда, аҳоли гавжум жойларда дезинфекция ишлари олиб борилмоқда. Хўш, ҳарбий хизматчиларни ушбу касалликдан ҳимоялаш борасида Мудофаа вазирлиги тизимида қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда? Қуйида Мудофаа вазирлиги бош санитария шифокори – Санитария-эпидемиология назорати маркази бошлиғи тиббий хизмат подполковниги Х. Норбоев берган маълумотлар асосида сўз юритамиз.

ЭПИДЕМИЯГА ҚАРШИ ТУРУҚ

Мудофаа вазирлиги қўшинлари шахсий таркиби орасида инфекция тарқалишининг олдини олиш ҳамда республикамизда коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши ўтказилаётган чора-тадбирларни амалга оширишга жалб этилаётган ҳарбийларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш мақсадида, энг аввало, Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология назорати марказининг малакали мутахассисларидан иборат эпидемияга қарши гуруҳ ташкил қилинди. Уларнинг 24 соат мобайнида фаолият олиб бориши ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги билан мунтазам ахборот алмашиши ва ўтказиладиган чора-тадбирларнинг мувофиқлаштирилиши йўлга қўйилди. Пандемия бошланишидан олдин барча ҳарбий қисм ва муассасалар

МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИДА ЭПИДЕМИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

ҚАНДАЙ КЕЧМОҚДА?



ЛАБОРАТОРИЯ ТЕКШИРИШ ИШЛАРИ

Санитария-эпидемиология назорат маркази ўта хавфли юқумли касалликлар лабораториясида энг сўнги замонавий аппаратда лаборатория текшириш ишлари йўлга қўйилди. Касалликни ташхислаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигидан «COVID-19» инфекциясини ташхислаш учун реактивлар олиб келинди. 2020 йил 16 март кунидан бошлаб Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларида «COVID-19» инфекциясини кўзгатувчиси SARS CoV-2 вирусини аниқлаш мақсадида ПЗР (полимер занжир реакцияси) текширувлари ўтказилмоқда. Таҳлиллар ўтказиётган лаборатория ходимлари ПЗР таҳлиллар ўтказиш бўйича ўқитилган ва тегишли сертификатга эга. Ҳозирги кунга қадар лабораторияда жами 3 650 та таҳлил ўтказилди.

ҲАРБИЙЛАР УСТИДАН ТИББИЙ НАЗОРАТ ЎРНАТИЛДИ

Хорижий мамлакатларга инсонларварлик ёрдами олиб борган Мудофаа вазирлигига қарашли самолётлар тўлиқ дезинфекция қилинди ва 37 нафар ҳарбий ўқувчи лаборатория текширувларидан ҳамда тиббий кўриқдан ўтказилди. Улар ҳарбий қисм тиббий хизмати бошлиғи томонидан 14 кун муддатга тиббий назоратга олинди. Шу кунгача назоратга олинганлар орасида беморлар қайд этилмади. Шунингдек, хорижий мамлакатларда мутахассислиги бўйича ўқишда бўлган 44 нафар ҳарбий хизматчи ҳам мамлакатимизга қайтганидан сўнг лаборатория текширувидан ўтказилди ва карантин муддати тугаши билан, уларнинг соғлиғи устидан тиббий назорат ўрнатилди.

Майор

Гулнора ҲОЖИМУРОВА

да «COVID-19» инфекциясининг белгилари ва касалликдан қандай ҳимояланиш борасида тадбирлар ўтказилди. Ҳарбий қисм ва муассасаларга 4 000 донга 3 хил турдаги рус ва ўзбек тилидаги коронавирус инфекцияси юқшининг олдини олиш йўриқномаси акс этган рангли плакатлар тарқатилди.

Ҳарбий госпиталларда касаллик аниқланган ҳолатда шошилиш ёрдам кўрсатиш, белгиланган тартибда яққолаш ва эвакуация қилиш бўйича махсус тактик машғулотлар ташкил этилди. Ҳарбий округ тиббий хизмати ва ҳарбий-тиббий муассасалар бошлиқлари, тиббиёт ходимлари билан жойларда бажарилиши зарур бўлган тадбирлар бўйича видеоселектор тарзида конференция ўтказилди ва мутахассислар онлайн тарзда ўқитилди.

КАСАЛЛИКДАН ҲИМОЯЛАНИШ УЧУН

Ҳарбий қисм ва муассасаларга 4 930 донга комбинезон, 7 200 жуфт хўжалик резина қўлқоп, 12 200 жуфт ностерил қўлқоп, 2 000 донга респиратор, 150 донга юзни ҳимояловчи восита (шиток), 64 000 донга тиббий ниқоб, 1 000 донга бахилла, 400 донга антисептик, 10 донга дозаторли антисептик ва 100 донга контактсиз термометр тарқатилди. Шунингдек, Санитария-эпидемиология назорат маркази ва бўлимларида дезинфекция воситалари захирасини яратиш мақсадида 2 300 кг миқдорда биохлорактив воситаси, алоҳида техник қисмларни (самолёт ва бошқа қимматбаҳо техникаларни) зарарсизлантириш зарурати туфайли 100 литр миқдорда «Септа-Дез» дезинфекцияловчи воситаси ҳамда 2 000 донга автомат дезинфекцияловчи аппарати олинди ва барча ҳарбий қисм, муассасаларга тарқатилди.

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК

Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология назорати маркази Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа идора, таш-

килотлар билан илмий асосланган амалий ҳамкорликни йўлга қўйди. Шундай ҳамкорликлар доирасида «Биологик зарарланиш вазиятида дезинфекция тадбирларини ўтказиш бўйича ҳамкорликдаги ҳаракатлар» мавзуйда махсус-тактик ўқувни амалга ошириш учун ташкил этилган «Махсус ишлов бериш йигма батальонлари ва отрядлари»га жалб этилган 462 нафар ҳарбий хизматчи дезинфекция ишларини амалга ошириш тартиби бўйича ўқитилди. Улар мавзу бўйича тўлиқ маълумотга эга бўлганларидан сўнг зарарсизлантирувчи воситалар, қўлқоп, комбинезон, респиратор, махсус кўзойнак, антисептик ҳамда маҳаллалар билан таъминланди ва дезинфекция ишларига жалб этилди.

Бугунги кунга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар, туман ва шаҳарлар кесимида, фуқаролар кўп йиғиладиган жамоат жойларида (деҳқон бозорлари, хиёбонлар, савдо марказлари, кўчалар, кўп қаватли уйлар, маҳаллалар ва бошқа жойлар) жами 50 000 гектардан ортиқ майдон дезинфекция қилинди.

Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида ташкил этилган махсус карантин марказига Санитария-эпидемиология назорат маркази мутахассислари жалб қилинган бўлиб, улар томонидан ҳозирги кунга қадар 550 гектар майдон дезинфекция қилинди. Шунингдек, 4680 кг ётоқ анжомлари махсус камерали дезинфекция автомобиль техникаси ёрдамида зарарсизлантирилди.

БЛОК-ПОСТЛАР ҲАМ ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА

Ташкил этилган блок-постларда ва карантин ўрнатилган ҳудудларда кўриқлаш учун жалб қилинган шахсий таркиб билан яққа тартибдаги суҳбатлар олиб борилди. Улар кунлик шахсий ҳимоя воситалари ва антисептиклар билан таъминланмоқда.

БИРГАЛИКДА ЕНГАМИЗ!

ДЕЗИНФЕКЦИЯ ИШЛАРИ ОКРУГЛАР КЕСИМИДА

Президентимиз – Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонининг махсус топшириғига биноан жорий йилнинг 20 апрелидан 20 май кунига қадар юртимиз бўйлаб мудофаа вазири раҳбарлигида Фавкулудда вазиятлар, Ички ишлар вазирликлари ҳамда Миллий гвардия ҳамкорлигида ҳокимликларнинг ободонлаштириш бошқармалари ходимларини жалб этган ҳолда махсус тактик ўқув машғулоти бўлиб ўтмоқда.

Бунинг натижасида коронавирус пандемиясига қарши кураш самарадорлигига эришилмоқда. Пойтахтда бошланган мазкур махсус тактик ўқув машғулоти бугун Мудофаа вазирлигининг барча ҳарбий округлари, қўшилма ва бирлашмалар кесимида бутун республикани қамраб олишга улгурди.

ТОШКЕНТ ҲАРБИЙ ОКРУГИ

Пойтахтдан ташқари Тошкент ҳарбий округига қарашли деярли барча жойларда тождор вирусга қарши кураш жадаллик билан олиб борилмоқда.



Аҳоли яшаш пунктларидаги ҳар бир маҳалла, гузар, хонадон, бозор ва хизмат кўрсатиш муассасаларида оммавий дезинфекция ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, тарғибот гуруҳи ҳар бир объектни юқори сифатда дезинфекция қилиб, юртдошларимизга муҳим қоидаларни эслатишни ҳам унутгани йўқ.

МАРКАЗИЙ ҲАРБИЙ ОКРУГ

Марказий ҳарбий округ ҳарбий хизматчилари ҳам бир лаҳза бўлса-да, тиним билгани йўқ. Дезинфекция ишлари кўлами ҳам борган сари кенгайиб бормоқда.



Инфекция тарқалишига қарши чора сифатида 24 апрелдан Самарқанд вилоятининг Тойлоқ туманига кириш ва чиқиш чекланди. Айни кунларда округнинг яна бир махсус ишлов бериш йиғма отряди мазкур туманга йўналтирилган. Йиғма отряд изоляция қилинган ҳудудни хавфли инфекциядан батамом тозалаш вазифасини бажармоқда.

ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ МАХСУС ҲАРБИЙ ОКРУГ



Пандемияга қарши курашда Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округни ҳам намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Нафақат шаҳар ҳудудлари, балки олис қишлоқлар ҳам эсдан чиққани йўқ.

Сурхондарё вилояти Шеробод туманининг тоғли ҳудудда ўз хизмат вазифасини адо этаётган ҳарбий хизматчилар Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари ва фронт ортида меҳнат қилган нуроний отахон ва онахонларнинг ўйларини дезинфекция қилиб, уларни тиббий кўрикдан ҳам ўтказишяпти. Шунингдек, уларнинг уй-хўжалик ишларида ҳам кўмакчи бўлмоқда.

ШИМОЛИ-ҒАРБИЙ ҲАРБИЙ ОКРУГ



Мазкур округда ҳам вилоят марказларидан ташқари олис туман, шаҳар ва овулларда аҳоли саломатлигини сақлаш бўйича комплекс тадбирлар амалга ошириляпти.

Ҳар кунги ўқув машғулотида ҳудудлар бир нечта секторга бўлиниб, уларда навбатма-навбат дезинфекция тадбирлари амалга ошириляпти. Ўқув машғулотининг максимал даражада самарали ва сифатли ўтказилишини таъминлаш, бир кунлик меъёрни бажариш мақсадида етарли куч ва воситалар ажратилган. Аҳоли гавжум масканлар, йирик ишлаб чиқариш корхоналари, бозор ва савдо мажмуалари, туманнинг катта ва кичик кўчаларида санитар-эпидемиологик назоратни кучайтириш – ўқув машғулотининг асосий мақсади.

ШАРҚИЙ ҲАРБИЙ ОКРУГ

Шарқий ҳарбий округ Фарғона гарнизони ҳарбий хизматчилари нафақат дезинфекция, балки хайру саховат ишларида ҳам фаоллик кўрсатмоқда.

Улар ҳудудлардаги муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиб, хонадон ишларида ҳам амалий ёрдам беришяпти. Қолаверса, ҳар бир ҳовли дезинфекция қилинмоқда. Бундай хайрли ва саховатли ишлар Андижон, Наманган вилоятларида ҳам олиб борилмоқда.



ТОИФАЛАНГАН ОБЪЕКТЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ ҚЎШИНЛАРИ ҚЎМОНДОНЛИГИ

Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлигининг штатдан ташқари дезинфекция гуруҳи пандемия шароитида ўзларининг алоҳида жонбозлигини кўрсатмоқда.



Улар Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси билан ҳамкорликда шаҳар болалар уйида дезинфекция ишларини олиб бориб, болажонларнинг карантин қоидаларига қатъий амал қилиши зарурлигини тушунтирдилар.

ҲАВО ҲУЖУМИДАН МУДОҒАА ҚЎШИНЛАРИ ВА ҲАРБИЙ ҲАВО КУЧЛАРИ ҚЎМОНДОНЛИГИ

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги ҳарбий хизматчилари ҳам кўринмас ёвга қарши фаол курашувчилардан.

Улар ҳам ҳудудларни дезинфекция қилиш, фуқаролар саломатлигини асраш борасида ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Савдо шохобчалари, бозорлар ва маҳаллаларда олиб борилаётган бу каби ишлар, албатта, ўз самарасини беради.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ тайёрлади.

САРҒАЙГАН САҲИФАЛАР

СИНОВЛИ ДАМЛАРДА

Ғалабага ким қанча улуш қўшгани, чамаси, 5-6 йил муқаддам айрим давлатлар журналистлари, сиёсатдонлари томонидан тафтиш қилинганди. «Дунёни фашизм балосидан биз қутқардик», деган иддаоларни эшитгандик. Аслида бундай ғоя билан ижтимоий фикрга таъсир этиш замирида ҳам сиёсий мақсад яширин. Дунёга гегемонлик дейимизи, дунёни бўлиб олишга қаратилган катта ўйинларнинг янгича формуласими, хуллас, адолатга бўйсунганини истамаган куч атрафидаги гаплар.

Бугун тожли вирус пандемияси солган ташвиш соясида бу зарарли ғоя қолиб кетгандек. Эътибор пандемияга қаратилмаганда, юбилей арафасида, Ғалаба бахонасида дунёга хўжайинлик қилиш вируси яна тарқаларди, чамамда.

Мен рақам, далил келтириб, фашизмга қарши курашда қанча қон тўқканимиз, бошимизга уруш солган мудҳиш оқибатларни тарозига қўйиб, бахшламоқчи эмасман. Мамлакатимиз Президентни Шавкат Мирзиёев ўтган йил Хотира ва Қадрлаш кунига тантанавда таъкидлаганидек, ўша оловли йилларда Ўзбекистонда етти ёшдан етмиш ёшгача бутун халқимиз «Ҳамма нарса – фронт учун, ҳамма нарса – ғалаба учун!» деб яшади, ором ва ҳаловатдан воз кечиб, тинимсиз оғир меҳнат қилди. Республикаимиз фронтнинг мустақкам таъминот базасига айланди. Инсоният тарихидаги энг даҳшатли бу муҳорабада 1,5 миллиондан ортиқ Ўзбекистон фуқаролари қатнашди. Ярим миллиондан зиёди қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Мана шу «қаҳрамонларча» сўзини тарози палласига қўймоқ истадим. Қаҳрамонлик фақатгина урушда «фалончи ёки фалон шахар учун» ёки «Ватан учун» дея урра-урра қилишнинг ўзи эмас. Қаҳрамонлик ота-онасидан жудо бўлган, урушнинг бегуноҳ қурбонлари – 200 мингдан зиёд болаларни, «сен етим эмассан», дея бағрига олиш. Бундай инсонийлик эътиқодида собит миллатда оғир кунларда олмосдек ярқиради. Қонимизда, рўҳимизда бу гавҳарнинг сақланиб қолгани – қаҳрамонлик. Синовли дамларда мардлик, жасорат уйғонгани – қаҳрамонлик. Қонда бор-да. Қаҳрамонлик қиёфасини бизга чизиб беришди. Онгимизга сингдиришди. Меҳнат – қаҳрамонлик, дейишди. Ботир эрларни йўқ қилишди. Қиличлар қинига кирди. Қиличлар ўроқ, кетмонга айланди. Муҳораба майдони чорлаганда ишониб-ишонмай ажал уруғини ёғдирувчи қурол тутқазди. 1995 йилда чоп этилган «Хотира» китобида қайд этилишича, Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистондан 177 755 киши юксак жасорати учун орден ва медаллар билан тақдирланган. «Фақат кетмон ушлашигина билади» қабилидаги камситишларга жавоб эди, бу.

ОЙБЕК ВА ЎЗБЕК ОРЗУСИ

Атоқли адибимиз Ойбекнинг «Қизил Ўзбекистон» газетасида 1944 йил 22 июни, 121-сонда чоп этилган «Жаҳон орзуси яқин» номли мақоласи эътиборимни тортди. Ўқиб, таъсирландим. Азага борган ўз дардини айтиб йиғлайди, деган мақол ёдимга тушди. Айрим сатрларни сизга ҳам илинсам:

«...Ўзбеклар жангу жадал билан тўла тарихдан узилганга узоқ вақт бўлган эди. Ҳарбий аъёналар қарийб унутилганди. Ўтмишнинг жасур йигитлари ҳақида жуда қари бойбойлар оғзидан гоҳ эртасимон гаплар эшитиларди. Подшо ҳукмати ўзбек йигитининг шаънига ҳатто оддий пичоқни ҳам муносиб кўрмаган. Аксар ўзбек йигитларининг қадрдон қуроли кетмон

ЗАНГ БОСМАГАН ҚАҲРАМОНЛИК



эди. Ўзбеклар яратувчи меҳнат эрлари эди. Меҳнат мамлакатимизда шон-шараф ва қаҳрамонлик ишига айлангач, ўзбеклар яратувчи меҳнат соҳасида ҳақиқий мўъжизалар кўрсатди. Буюк Октябрь революцияси ўзбек халқига олижаноб ҳуқуқлар бериши билан, унинг қўлига қурол ҳам топширган, бахтининг ва озодлигининг химоя қилишни ўрган, деган эди. Ўзбек худди шундай қилди. У барча қардош халқлар билан қўл ушлашиб, улуг Ватан уруши майдонига от солди. Оқ сочили оналар рўмол учи қанча кўз ёшларини артиб, ўз арслонларини узатди. Оталар қўл очиб, фотиҳа берди – ўғилдан йигитлик орзу қилди. Келинларнинг дудокларида азамат ёрларнинг жудолик бўяси қолди. Бу кун қарийб ҳар бир ўзбек оиласи – аскар оиласи. Қарийб ҳар бир оиланинг қўша-қўша авлоди Ватан урушининг фронтларида қон тўқади. Ўзбек халқи урушга бутун маънавий ва моддий қудрати билан киришди. Жаҳаннамий техника беҳисоб мўл қўлланилган бу мислсиз урушда ўзбеклар қандай жанг қилар экан, деган савол дастлабки пайтларда гоҳ беихтиёр хотирига келарди. Ҳаёт шуни кўрсатадики, ўзбек халқининг жангу жўйлик қобилияти унинг яратувчи меҳнат қобилиятидан асло тубан эмас экан. ...Ўзбек халқи тарихий илдири бақувват халқлардан».

Қаранг, сеvimли ёзувчимиз ўзбекининг дардини сатрларига қанчалар мохирона жойлаган. Заргарона иш. Бир қараганда, кескир, қайсар сўзлар, бўғзимизни куйдирадиган сўзлар мафкура чизигидан чиқмагандек. Аммо биргина халқнинг жанговарлик салоҳияти меҳнат қобилиятидан кам

эмаслигини айтишнинг ўзи – жасорат. Назаримда, бошқа давр бўлганида бундай соғлом фикр ўша заҳоти эгаси билан «қатағон»га учарди.

Қилич занг босмаган экан. Қалблар занг босгани ростиб. Бироқ қилич садолари ҳали тушларимизга кирар экан. Зиёларимиз, Ойбек домлага ўхшаган фидойиларимиз қалбининг тўрида, ҳеч ким дахл қилолмайдиган жойда сақлаган экан. Жаҳон орзусини ўзбек орзуси, дегим келди. Қаҳрамонликка занг босгани сўзини ишлатгим келмади.

ЧАПАЕВ МАКТУБИ

Кетмонни қуролга алмаштирган миллат жасоратидан бир-икки шингил сўз очсак. Амикрофи, бошқалар сўзласин. Биз тинглаймиз. Улардан бири Хотира китобининг 482-483-бетларида чоп этилган хат. Санаси 1944 йил 30 август. Мактубни Орёл-Волковинск номли ўқчи дивизиянинг бир гуруҳ жангчилари Ўзбекистон фан ва маориф ходимларига йўллаган. Унда жумладан шундай ёзилган:

«...Оламшумул ғалаба жанглирида кўпдан-кўп ўзбек ватанпарварлари, Ўзбекистоннинг собиқ фан ва маданият ходимлари ҳам мардлик, матонат кўрсатиб, шухрат қозонишди. Урта мактаб ўқитувчиси, медалли радист ўртоқ Ғуломов гитлерчилар билан юзма-юз бўлган кўпгина жангларда ғолиб чиқди. Ўз радиоси билан артиллерияга хабар бериб, душманнинг 2 та танкини, 6 та автомашинасини ва юзларча гитлерчиларни ер билан яқсон қилдириди.

Орден ва медалли разведкачи ўртоқ Одил Маҳмудов (Тошкент, 90-мактаб ўқитувчиси)нинг келтирган маълумоти билан фашистларнинг 3 танки, 7 та автомашинаси, 2 та миномёт батареяси мажақланди ва юзтача солдат-офицери қириб ташланди.

Медалли разведкачи ўртоқ Маҳмуд Турсунов (113-мактаб ўқитувчиси)нинг ташаббуси билан совет артиллериячилари душманнинг 3 пулемётини, 2 артиллерия қураганин пунктини, 2 танкини, 4 автомашинасини одамлари билан йўқ қилиб юбордилар.

Ўрта ва олий мактаб ўқитувчиларидан – Шералиев, Ҳайитметов, Жумаев, Муслимов, Рисқиев, Эгамбердиев, Носиров, Алимов, Ҳошимов, Раҳмонов, Эгамов, Ҳамидов, Иброҳимов каби ўртоқлар ҳам қисимизнинг ном чиқарган жангчиларидир».

Ойбек домла айтган арслонларимиз миллат шаънини ҳимоя қилишган. Кетмон қавартирган қадоқ қўллари нимага қодир эканлигини кўрсатишган. Аммо урушдан сўнг «яратувчилик», «бунёдкорлик» фронтга бу қўллар хизмат қилган. Ҳатто, мустаққиллигимиз арафасида матбуотда «ҳарбий-тарихий тажрибага эга бўлмаган миллат», дея тош отилган. Аслида ҳарбий-тарихий хотирамиз уйғонишидан тузум доим ҳадиксирарган.

Навбатдаги мактубни «Н» ҳарбий қисм командири подполковник Чапаев Ўзбекистонга юборган.

«Жасур пулемётчи Самариддин Насридинов кўрсатган қаҳрамонлиги учун III даражали «Шухрат» ордени билан мукофотланди. Бир жангда 60 га яқин гитлерчилар унинг позициясига қараб кела бошлади, аммо Насридинов ўзини маҳкам тутди ва пулемётдан мерганларча ўт очиб, 30 дан ортиқ фашистларни ўлдирди. Бу ботир жангчи Шарқий Пруссия чегарасига биринчи кирганлардан...»

Қисимиздагилар Раҳмонберди Нурматовнинг жасурлиги билан мағруланмоқдалар. У жангларда бир неча марта мардлик ва юксак ҳарбий маҳорат кўрсатди.

Душман билан бўлган бир қирғин тўқнашувда у ярадор бўлди, лекин жанг майдонини ташлаб кетмади. Жасур жангчи душманнинг трешяларига биринчилардан бўлиб бостириб кирди ва ўз автоматидан ўт очиб, бир қанча фашистни ер тиллатди.

Бир хатда бизнинг қисмдаги ўзбек жангчиларининг ҳамма қаҳрамонона ишларини гапириб тугатиб бўлмади. Қисмдаги жангчилардан Худойберди Ашуров, Исоқ Деҳқонбоев, Назим Худойбердиев ва бошқалар душман билан қаҳрамонларча курашмоқдалар».

Қисм командири бу хатга қўш остида жанг қилаётган 200 кишга имзо чектириб жўнатган. Тўғри, ўша пайтда бу партиявий топшириқ сифатида берилган бўлиши ҳам мумкин. Аммо эринмай, шунча аскарима имзолатиб юборгани самимиийлик ҳам борлигини кўрсатади. Ўзбек жангчиларини қўмондон эътироф этяпти. Ҳарбийчасига айтганда, «улар билан бемалол разведкага борса бўлади», демоқчи. Хатни чуқур таҳлил қилишдан йироқман. Ўзингиз хулоса чиқарасиз.

Дарвоқе, кетмон ушлаган қўлларнинг фронт ортида қаҳрамонлигини тарихга шундай битишди: «60 минг ўзбекистонлик меҳнатдаги қаҳрамонликлари учун орден ва медаллар билан мукофотландилар» («Хотира» китобидан).

Тарихдан мисол келтириб, истеъмолимизда «истеъмо» бўлаётган, қадри арзонлашаётган қаҳрамонликка беҳиз эътибор қаратмадим. Бугун давр миллат бўлиб шаклланишимиздек қаҳрамонликни кутмоқда.

АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ – ЁШЛАРГА ИБРАТ

Агар шундай тарози бўлса-ю, унинг бир палласига жангчиларимизнинг Иккинчи жаҳон уруши фронтларида кўрсатган жасоратини, иккинчи палласига эса хотин-қизларимизнинг мамлакат ичкарида кўрсатган мардонавор меҳнати ва жасоратини қўйишнинг иложи бўлса, ана шу тарозининг ҳар икки палласи ҳам бир-бирига тенг келган бўлар эди.

Урушда ғалаба қозонишнинг муҳим омилларидан бири – мустаҳкам, узлуксиз захира таъминотига эга бўлиш ва бу таъминот фронтга ўз вақтида етказиб берилишидир. Ана шундай шарафли вазифани Ўзбекистон темир йўллари 1941 – 1945 йилларда фронтни таъминлаш вақтида шараф билан удалади.

Уруш бошланган дастлабки кунларда ноқамлакат саноати мудофаа маҳсулотларини тайёрлашга ихтисослаштирилди. Меҳнатга яроқли ўн саккиз ёшдан қирқ беш ёшгача бўлган аёллар ва ўн саккиз ёшдан эллик беш ёшгача бўлган эркекларнинг барчаси ҳарбий хизматга мажбурлар қаторига киритилди. Қўлига қурол олиб, жанг қилишга қурби етадиган барча фуқаролар фронтга сафарбар этилганликлари боис, мамлакат ичкарида қариялар, хотин-қизлар ва ёш болалар зиммасига жангчиларни қурол-яроғ, кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқа турдаги маҳсулотлар билан

ҳарбий ҳолат эълон қилинди. Поездлар ҳаракати жадвали жиддий ишлаб чиқилди. Биринчи навбатда фронтга сафарбар этилганлар ва ҳарбий юкларни ташиш устувор вазифа этиб белгиланди. Ўзбекистон темир йўллари 1942 – 1943 йилларда ўн етти ярим минг вагонларда эвакуация қилинган завод ва фабрикаларнинг анжом-аслаҳаларини мамлакат ичкарига олиб келди. Шу тариқа ушбу транспорт тури фронтни мамлакат ичкари билан боғловчи асосий восита бўлиб қолди.

Темирйўлчилар қурол-аслаҳа, озиқ-



БАШОРАТ МИРБОБОВА

парашютчи ва биринчи машинист аёл

овқат, кийим-кечакларни фронтга етказиш, мамлакат ичкарига эса ярадорларни, бошпанасиз қолган етим болалар, хотин-қизлар ва қарияларни олиб келишарди. Вақт шунчалик тизилганидан, ҳаттоки, вагонларга ортилган юклар нималардан иборат эканлигини билишгача улгуришмасди. Бир кун Башорат Мирбобоева ўзи бошқариб келган поезд Тошкент вокзалига кириб келганидан сўнггина вагондан тушаётган очликдан, уруш азоб-қубатларидан озиб-тўзиб кетган ёш болаларни кўриб, ранглири оқариб, йиғлаб юборган.

1941 йилнинг 21 декабрь куни Ўзбекистондан совға-саломлар ортилган 52 вагондан иборат биринчи эшелон фронтга жўнатилди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раиси Йўлдош Охунбобоев бошчилигидаги делегация аъзолари Волоколамск шоссесига жанг қилаётган ўзбекистонлик жангчилар ҳузурига етиб боришади. Делегация аъзолари тушган поездни белгиланган манзилга «18-94» рақамли паровоз ёрдамида Башорат Мирбобоева бошқариб борган.

«Фронтга жўнатишларини сўраб бир неча бор мурожаат қилишимга қарамай, менга рад жавобини беришарди. Бир кун темир йўл депоси биносига чақиринди ва партия ташкилоти раиси фронтга боришимни айтди. «Жанг қилишгами?» деб сўраган саволимга «Йўқ, жангчи ватандошларимизга ўзбек халқи номидан совға-салом элтасизлар. Совғалар ортилган поездни бошқариб боришни эса ҳукуратимиз сизга ишониб топширмақда», деб жавоб қайтарди. Делегациямиз аъзолари икки гуруҳга бўлиниб, олти кун давомида Фарбий фронтнинг олдинги чизиқларида, госпиталларида бўлди, жангчиларга ўзбекистонликларнинг совға-саломларини топширдик. Янги – 1942 йили Москвадан 25–30 чақирим узоқдаги ҳарбий қисмда генерал-лейтенант Рокоссовский билан биргаликда кутиб олдик. Мен халқимиз, ҳукуратимиз томонидан топширилган бу масъулиятли вазифани шараф билан удаладим», деган эди у суҳбатларнинг бирида.

1943 йилнинг 11 апрелида Москвада жангчи аскарлар оналари ва аёлларининг Бутуниттифок митинги бўлиб ўтди. Ушбу митингда ўзбек хотин-қизлари номидан Башорат Мирбобоева иштирок этди.

1945 йил 9 май санасини фидойи бу аёл ҳам қувонч, ҳам ўқинч билан қарши олди. Фашизм устидан қозонилган ғалаба қувонч бағишлаган бўлса, айнан 8 май куни турмуш ўртоғининг ҳалок бўлиши уни қайғуга кўмди.

Фронт ортидаги кўрсатган жасорати ва самарали меҳнатлари эвазига «Фидокорона меҳнатлари учун» медали билан тақдирланган Башорат Мирбобоева урушдан кейинги йилларда Ўрта Осиё темир йўл депосида машинист бўлиб хизмат қилди. Ўз билим ва кўникмаларини ёшларга ўргатиб, эл-юрт орасида юксак ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлган. Эллигинчи йилларда дизелли тепловоз бошқариш-



таъминлашдек муҳим вазифа юклатилди. Улар учун иш куни ўн уч-ўн олти соат қилиб белгиланди. Ана шундай оғир шароитларда минг-минглаб хотин-қизлар илгари эркекларга оид бўлган касблар, мутахассисликларни эгаллай бошлади. Башорат Мирбобоева ана шундай фидойи аёлларимиздан биридир.

Ўзбек аёллари орасида биринчи парашютчи ва биринчи машинист аёл Башорат Мирбобоева бўлган. У 1916 йилда туғилган. 1936 – 1937 йилларда машхур ўзбек учувчиси Абдусамат Тойметов инструкторлигида учиб сирларини ва парашютдан сакрашни ўрганган. 1937 йилдан биринчи машинист аёл сифатида республика темир йўлларида иш фаолиятини бошлаган. Чехословакия миллий қаҳрамони, машхур ёзувчи ва журналист Юлиус Фучик 1936 йилда Марказий Осиё республикаларига, шу жумладан, Тошкентга ташрифи чоғида Башорат Мирбобоевнинг қўлга киритган ютуқларини кўриб, шундай деган эди: «...Ўзбек хотин-қизларидан биринчи бўлиб парашютда 1 000 метр баландликда осмону фалақдан сира қўрқмай ерга сакраган жасоратли аёл Башорат Мирбобоевадир... Бу улғу инқилобий воқеадир».

Башорат 1941 йилнинг 22 июнь санасида эрта тонгда Ховосдан паровозни Тошкентга бошқариб кириб келган вақти уруш бошланганлиги тўғрисидаги хабарни эшитди.

Шу кундан Ўзбекистон темир йўллари учун



ни ўрганган Совет Иттифоқидаги **биринчи аёл айнан ўзбек аёли БАШОРАТ МИРБОБОВАДИР!** Ҳужжатли кино режиссёри Неля Атауллоева Башорат Мирбобоева тўғрисида 70-йиллар охирида ҳужжатли фильм олган. Ҳозирги кунда Тошкент темир йўллар музейида унинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида кичик экспозиция яратилган.

Ана шундай тарихни ярата олган ҳамда ўзбек аёлининг жасорати ва матонатини бутун жаҳон оммасига мадҳ этган Башорат Мирбобоева 2010 йилнинг март ойида 95 ёшида Тошкент шаҳрида вафот этди.

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳри Олмазор тумани ҳудудида фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабанинг 75 йиллигига бағишланган «Шон-шараф» музейи барпо этилмоқда. Ушбу музей экспозицияси учун республикамизнинг барча ҳудудларида истиқомат қилган ва қилаётган уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларидан, уларнинг оила аъзолари номидан кўплаб ашёлар ҳамда маълумотлар тўпланмоқда. Музей экспозициясида Ўзбекистон темир йўллари ташкилотининг фронтга қўшган хиссасини ёритиш баробарида фидойилик ва матонат рамзига айланган Башорат Мирбобоевнинг ҳаёт йўли ҳам ёритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Зебо ХОЛБОЕВА,
Қуролли Кучлар давлат музейи экскурсоводи

МАРД ЎҒЛОНЛАР ЖАСОРАТИ БАРҲАЁТ

«ҚАҲРАМОНСАН, СИРА ЎЛМАЙСАН!»

*Халқи учун жон тиккан ўғлон,
Билгин асло унут бўлмайсан!
Яшагайсан қалбларда мангу,
Қаҳрамонсан, сира ўлмайсан!*



киришга ҳаракат қилган жангари гуруҳни йўқ қилишдаги хизматлари учун берилганлигини билдим.

САЙЁР ЎЛМАГАН, САЙЁРЛАР ЯШАЯПТИ

Тақдирнинг аччиқ қисмати юрагимни ўртаса-да, шундай қаҳрамон фарзандни тарбиялаганимдан фахрланаман. Негаки, унинг дўст-

билан тез-тез ҳолимдан хабар олиб туради. Шундай пайтларда инсоннинг исми жисмига қанчалик мос келишига амин бўламан. Сайёр ўғлим бугунги авлод тимсолида қалблардан қалбларга кўчиб юрган бўлса, Ҳамдамбек Ҳамиша қувончли ва қайғули кунларимда ёнимда эканлигига шукрона келтираман.

Яқинда кинорежиссёр Ҳилол Насимов томонидан суратга олинган «Ҳаёт» фильмини томоша қилиб, Сайёрнинг ўлмаганлигига яна бир марта амин бўлдим. Фаттоҳ Насимов ижро этган образдаги қаҳрамонни кўриб, ўғлим тирилик келгандай вазиятга тушдим. Шу фильм намойишидан кейин Фаттоҳ билан телефонда тез-тез гаплашиб турибман. Хатто, бир сафар худди она-болалардек йиғлашиб ҳам олдик...

Розия холанинг қалб изтиробларига тўла хотираларини кўзларига ёш билан эса олишини, қалбига малҳам бўлаётган бугунги кун воқеаларини кўриб, эшитиб, қаттиқ таъсирландим. Ҳеч бир она, «болам», деб нола қилмасин, экан. Осойишта ҳаёт йўлида жонини тиккан ўғлонларни вояга етказиб, уларнинг фироқида ёниб яшаётган оналар қаршида Ҳамиша бош эгамиз.

ЁШЛАРГА НАМУНА БЎЛГАН ЖАСОРАТ

Ватан олдидаги хизматлари учун II даражали «Шон-шараф» ордени ва «Жасорат» медали билан тақдирланган махсус гуруҳ командири лейтенант Сайёр Садинов каби қаҳрамонларнинг жасорати келажак авлод учун намунадир. Чунки юқорида тилга олинган воқеалар тарихи, уларнинг қисқа ҳаёти ва амали қалбида чўғи бор ҳар бир ёшни ватанпарварлик руҳида камол топишига хизмат қилади.

Сайёр Садинов таълим олган Самарқанд шаҳридаги 19-умумтаълим мактабиде унинг издошлари камол топмоқда. Қаҳрамоннинг бюсти ўрнатилган мазкур таълим даргоҳида ўқиган Жасур Давронов эндиликда «Темурбеклар мактаби» ўқувчиси ҳисобланади. У Сайёр Садиновнинг жасоратига, мардлигига ҳавас қилган.

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги, 9 май – Хотира ва Қадрлаш кuni муносабати билан Самарқандлик ҳарбий хизматчилар, фахрийлар, вилоят мудофаа ишлари бўлими ходимлари ҳамда «Темурбеклар мактаби» вакиллари Розия хола хонадониде меҳмон бўлишди. Шунингдек, улар Сайёр Садинов ўқиган мактабда ҳам бўлиб, қаҳрамонлик ва ватанпарварлик тимсоли бўлган жасорат соҳибига бағишланган тадбир уюштирдилар. «Темурбеклар мактаби» ўқувчиси Жасур Давронов ва унинг тўрт нафар дўсти йиғилганлар қаршида Сайёр Садинов сингари ҳақиқий юрт ўғлони бўлишга аҳд қилишди.

**Асрор РЎЗИБОВЕВ,
«Vatanparvar»**



дим. Шундан кейин акаси Бахтиёр билан уни кўриш учун Чирчиққа бордик. Бирга яшайдиган сафдошлари билан бизни роса хурсанд бўлиб кутиб олишди. Роса соғинган эканми, бир неча кунга қолишимни илтимос қилди. Бошқа ўртоқларини ҳам чақириб, ош билан меҳмон қилмоқчилигини айтди. Рўзгор ташвишлари ва ишларим туфайли таклифини рад этганман. Уша таклифга кўнмаганим бир умрлик армоним бўлиб қолди. Энди эса Сайёр билан бир мартагина дастурхон атрофида ўтириб овқатла-



ниш учун, фарзандимнинг ҳидини тўйиб-тўйиб ҳидлаш учун бутун борлигимдан кечишга тайёрман. Афсуски, вақтни ортга қайтариб бўлмайди.

Сурхондарёда жангарилар билан бўлган жангда болагиман юртимиз тинчлиги йўлида кўксини қалқон қилди. Уша воқеаларда у билан бирга бўлган дўстарларининг айтишича, кўксидан яраланганига қарамай, бир неча душманни йўқ қилган. Ўқ юрагининг тепа қисмига текканлиги учун кўп қон йўқотиши натижасида госпиталда жон берганлигини айтишди...

Болагиман камтар бўлиши билан бирга отаси айтганидек, менга жуда меҳрибон эди. Аслида «Жасорат» медали билан тақдирланганини мени хавотирга қўймаслик учун эришган ютуқлари учун берилганлигини айтган экан. Кейинчалик мукофотни қуролдош дўстлари билан Ватанимиз сарҳадларини бузиб

1976 йилнинг 18 ноябри. Саид ака ва Розия опа хонадониде ўғил фарзанд дунёга келди. Ушанда Саид ака турмуш ўртоғига: «Келажакда шу ўғлимизнинг сизга меҳри бошқача бўлади», деб айтганди. У ҳақ бўлиб чиқди. Афсуски, Самарқанд вилоятининг бир неча туманларида халқ саломатлиги йўлида хизмат қилган тажрибали жарроҳ Саид акага Сайёрнинг онасига, она юртига бўлган меҳрини ва садоқатини кўриш насиб қилмади...

БОЛА БОШИДАН...

Олти ёшида отасидан эрта айрилган Сайёрнинг ўша пайтда кўнглидан нималар кечганлиги бизга қоронғи. Аммо Розия холанинг хотирлашича, ўғли тақдирнинг бу оғир зарбасини худди катталардек қабул қилган. Отасини қабрга қўйиб келгандан кейин мени маҳкам кучиб, қандайдир бошқача юпатганди, дея эслайди.

– Боламнинг ўшанда нима демоқчи эканлигини қалбдан англаб етганман. Сайёрим чақалоқлигидан ўзгача хислатлар билан отаси ва мени кўп ҳайратлантирган. Бир сафар ўйимизга меҳмонлар келганда унинг метин иродасига гувоҳ бўлганмиз. Меҳмонлар билан овора бўлиб, Сайёрдан хабар олиш ёдимдан чиқибди. Кечки пайт ўғлимнинг ҳарорати кўтарилиб, касал бўлиб қолганлигини билдик. Мурғак гўдак бўлишига қарамай, шу аҳволида умуман йиғламаганди.

Йиллар ўтиб, фарзандларим отасининг ўрнини боса оладиган қобил йигитлар бўлиб улғайишди. Сайёр ўспиринлик пайтида қўлидан келганча акаси ва менга рўзгорда ёрдам беришга ҳаракат қиларди. Ишлаб топган пулларини менга келтириб берарди. Турмуш ўртоғимдан айрилган қийин кунларимда ўғилларим менга сунячиқ бўлганидан бошим осмонга етган...

АРМОН БЎЛГАН УЧРАШУВ

Ҳалок бўлишдан сал аввалроқ газетада Сайёрнинг «Жасорат» медали билан тақдирлангани ҳақидаги хушxabарни ўқиб қол-

КЕЛИНГ, КИТОБ ЎҚИЙМИЗ

“ Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўлмас Умарбеков асарларини, эҳтимол, ҳамма ҳам ўқимагандир. Аммо «Қиёмат қарз»ни кўрмаган инсон топилмаса керак.

Бугун адибнинг «Уруш фарзанди» қиссасини тавсия қилмоқчиман. Бу асар бир қарашда оддий севги қиссасига ўхшайди. Мафтункор Болгария, улугвор денгиз, олтин қумлар, болгар қизига ошиқ бўлган ўзбек йигити...

Иккинчи жаҳон урушининг тамом бўлганига ҳам 75 йил бўлди. 75 йил... Бу бир инсон умри. Уруш фожиалари ҳақида сўз кетганида миллионлаб инсонларнинг ҳалок бўлгани, фашистлар томонидан вайрон қилинган шаҳар-қишлоқлар, ўт остида қолган далалар ва мислсиз жасорат кўрсатган қаҳрамон жангчилар тилга олинади, рақамларда баҳоланади. Булар ҳақида манбаларни истаганча топишингиз мумкин.

Ўқувчилик йилларимизда тарих китобларининг каттагина қисми Иккинчи жаҳон урушига бағишланган эди. Совет халқининг, совет кишининг жасорати, мардлиги ҳикоя қилинарди. Уруш мардлик майдони эди. Фильмларни айтмайсизми?! Қўлтиқтаёқдаги жангчини кўрганмиз, боши бинт билан ўралган ярадорларни кўрсатишарди, гулларга бурканган музаффар жангчилар, бахтиёр қиз-жувонлар... Калта юбкаси, бошига истиғно билан қийшиқ кўндирилган пилоткали ҳамшира қизлар жанг майдонидан ярадорларни олиб чиқишарди, биз кўриб улғайган фильмларда.

Уруш ҳақиқатлари анча кейин қалқиб чиқа бошлади. Шунда ҳам ҳаммаси эмас. Аммо шулар ҳам Иккинчи жаҳон урушининг бор фожиаларини англаб етиш учун етарли эди. Вокзалларда, бозорларда тиланчилик қилиб кун кўраётган қўлсиз-оёқсиз майиб-мажруҳлар ҳақида ҳеч қандай фильм олинмаган, бадий асарлар битилмаган. Жамият томонидан тақдир ҳукмига итқитиб ташланган собиқ жангчилар совет воқелигига зид ҳолат эди.

«Урушда ярим инсон, ярим йиртқич бўлишинг керак. Бошқа йўл билан тирик қолиш имкони йўқ. Фақат инсон бўлсанг – тирик қолмайсан. Калланг кетади... Варшавага бордим. Бутун йўлни пиёда босдик... Ер бағирлаб бордик... ортиқ сўраманг... Уруш ҳақидаги... қаҳрамонлар тўғрисидаги китобларни ёқтирмайман... Касал, йўтал тутган, ухламаган, кир-чир, афтода бир ҳолда йўл босардик. Кўпинча оч-наҳор... Аммо ғалаба қозондик».

Бу парча беларус адибаси Светлана Алексиевичнинг «Урушнинг аёлдан йироқ қиёфаси» ҳужжатли асаридан олинди. Бу қайси жинсга мансуб инсоннинг хотираси деб ўйлайсиз? Албатта, эркак шундай хотирлаши мумкин. Мен ҳам даставвал буни жангчи эркак хотираси деб ўйладим. Аммо... Бу аёлниг хотиралари, автоматчилар



«УРУШ ФАРЗАНДИ»НИНГ ҚАЙҒУЛИ СЕВГИ ҚИССАСИ

взводининг командири Любовь Ивановна Любчикнинг хотиралари. Айнан ана шундай ҳақиқатлари учун бу асар узоқ йиллар нашр этилмади, нашриётлар томонидан рад этилди, совет жангчи аёллари шаънига номуносиб дейилди.

Аммо совет жамиятида урушнинг бор азобини эркаклар билан баб-баравар тортган аёллар ўз вақтида муносиб эҳтиром кўрган эмас. Уларнинг катта қисмига суюқоёқлардан ҳам паст назар билан қаралди. Тақдирлари урушнинг давомидек тинч ҳаётда барбод бўлди. Булар ҳақида ҳужжатли манбалар мавжуд.

Уруш йилларида яна бир тоифа аёллар бор эди. Булар немислар томонидан босиб олинган ҳудудларда ҳимоясиз қолган аёллар эди. Ҳимоясиз аёллар... Душман қўл остида ҳақсиз-ҳуқуқсиз, ҳимоясиз аёллар... Айримлари душмандан фарзандли бўлдилар. Ва бу болаларнинг тақдирини... Улар бутун умр тавқи-лаънат остида қолдилар, оналари билан.

Ҳа, 1945 йилда тамом бўлган уруш шу тариқа инсонлар ҳаётида давом этди. Бугун бу нарсаларга ишонши қийин. Аммо жуда кўп инсонлар ана шундай аламли тақдир билан яшаб ўтдилар.

Нима учун мавзудан чиқиб кетганимга ҳайрон бўляйсизми? Йўқ, мавзудан четга чиқдим, деб ўйламайман. Агар сеvimли адибимиз Ўлмас Умарбековнинг «Уруш фарзанди» қиссасини ўқиш устаги

ғамгин жилмайди».


Еш, парирухсор, кўрган борки гўзаллигига мафтун бўлиб қолади-ган қиз нега ғамгин тортади?

Ўқиймиз: «Сиз худди ойимга ўхшаб гапирасиз. У ҳам доим шундай дейди. Кейин йиғлаб қўшиб қўяди: «Сен менинг бахтимсан, сен хурсанд бўлсанг, мен хурсанд бўламан, тинч бўламан». Унинг бахтли эмаслигини аллақачон билганман, мен унинг ташвишиман, мени билганларнинг ҳаммасига ташвишман... Мана кеча ҳам ташвиш орттирдим».

Эътибор беринг-а: «Мен унинг ташвишиман, мени билганларнинг ҳаммасига ташвишман...»

Айнан шу сўзларда Анна-Марияни етти-саккиз ёшларидан бери таъқиб қилиб келаётган дардни, уруш аллақачон тугаган эса-да, унинг айбсиз айбдори бўлган икки инсоннинг маломатлар ичра ҳаловатсиз, ҳузурсиз кечган ҳаёти акс этган. Энг ачинарлиси, бу биргина Анна-Мария ва онасининг тақдирини эмас эди.

Етти-саккиз ёшли қизалок ҳаётида нима юз берган эди? Онасидан, ўртоқларидан, ўзидан уялтирган бу қандай куч эди?



Айни шу ёшида қизалок илк марта шафқатсизларча таънага нишон бўлди: «Ҳа, фашистнинг уруғи! Ўзингни кўрсатаяпсанми... Ойинг яхши эртақ тўқибди. Бориб сўра, юбкасининг тагида яшаган немис ким экан!»

Бу биргина болкон аёлининг фожиали ҳаёти бўлмаган. Бундай тақдирлар бепоеён совет давлатида ҳам бисёр эди.

Совет давлати интернационал дўстликни тарғиб қилар эди. Турли миллатлар ўртасида тузилган никоҳларни оламшумул воқеа каби бонг урарди. Аммо Анна-Мария каби уруш фарзандларини тан олмасди. Эзгуликдан жар солди-ю, уруш фарзандларини шафқатсиз таъна-маломатлар исканжасида яшашига йўл қўйди.

Сеvimли адибимиз бундан жуда яхши хабардор бўлган. Эҳтимол, унинг учундир асар қаҳрамони эйти болкон қизини танлаган. Ва ўзигагина хос назокат билан урушнинг улкан фожиаларидан бирини севги қиссасида маҳорат билан кўрсатган.

Азиз ўқувчи, бу гўзал ва қайғули севги қиссаси нима билан якун топганини билишни истайсизми? Албатта, истайсиз. Унда адиб Ўлмас Умарбеков қиссалари билан жавонингиздаги жавоҳирлар сонини яна биттага кўпайтиринг. Мутолаа завқи сизни тарк этмасин.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Vatanparvar»

туғилса, унинг мазмун-моҳиятини чуқурроқ англашингизни истадим, холос.

Қисса қаҳрамони Азизнинг касби агроном. Отаси урушда ҳалок бўлган, синглиси ва онаси бор. У касби тақозосига кўра бирмунча вақт Болгарияда ишлайди. Шу ерда соҳибжамол Анна-Марияни учратиб қолади.

Қиссадан ўқиймиз: «Мен худди капалакка ўхшайман. Умри қисқа, кичкина капалак... У гулдан бу гулга кўнаман. Аммо биттасида ҳам кўним тополмайман. Тикан киргандек, сакраб бошқасига ўтаман... Анна-Мария

Дўппини бошдан олиб, гала-говур дунёда юз бераётган воқеаларни таҳлил қиладиган бўлсангиз, инсониятни ахборотлар оқими бошқараётганининг гувоҳи бўласиз. Ёшларни йўналтираётган ҳам, кимнидир душманга ёки дўстга айлантираётган ҳам қайсидир маълумотларнинг қандайдир кўринишдаги аксининг маҳсули. Иккинчи жаҳон уруши даҳшатларини бироз бўлса-да хис қилдик. Назаримда, Учинчи жаҳон уруши аллақачон бошланган. Фақат бунда курол – қалам, нишонлар эса одамларнинг онги ва қалби.



юзасидан тадбирлар белгиланди. Барча қийинчиликларга қарамай вилоят деҳқонлари кўпроқ озиқ-овқат етказиб бериш учун барча куч-ғайратларини сарф этдилар.

1941–1945 йиллари вилоят аҳолисидан 47 007 нафар киши урушга сафарбар қилинди. Улар Ленинград ва Сталинград, Беларусь ва Украина ерларини душмандан озод қилиш жангларида қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Улардан 17 424 нафари озодлик учун ўз жонини қурбон қилди. 9 521 нафари фронтларда бедарак йўқолди. Дастлабки кунлариданоқ урушга

Вера Насирова каби жасур аёллар бор эди.

Ҳамма туманлардан мудофаа жамғармасига маблағ тўплаш авж олди. 1941–1945 йиллар мобайнида Косон, Яккабоғ ва Қарши (Бешкент) туманларидан фронтга озиқ-овқат, гўшт, дон маҳсулотлари, қорақўл терилари ҳамда куруқ мевалар, Қарши шаҳар, Китоб, Ғузор, Шаҳрисабз туманларидан жунли пайпоқлар, иссиқ кийим-кечаклар юборилган.

Бундан ташқари, 1941 йилда Қарши шаҳрида мавжуд бўлган саноат корхоналарида 746,9 минг рублга тенг маҳаллий маҳсулотлар, 11 487,2 минг рублга тенг сано-

ТУПРОҚНИНГ ГАРДИ ҲАМ ВАТАН

лишга уч минг нафар одам юборилган. 1943 йил вилоят маҳаллий саноат корхоналарида 1 075 нафар ишчи ишлаб, 4 483 минг рублга тенг бўлган 16 турдаги кенг маҳсулотлар ишлаб чиқилган.

Вилоятда биринчи ишлаб чиқилган саноат маҳсулотларидан 35 минг рублга тенг ёғоч маҳсулотларини, 42 мингта идиш-товоқ материаллари, 120 минг темир буюмлари ҳамда 180 минг рублга тенг бўлган 491 мингта трикотаж буюмлари ва 72 мингта чармдан ишланган оёқ кийимлари ишлаб чиқарилиб, фронтга юборилган.

Қашқадарё вилоти миқёсидаги жонбозликлар билан танишар эканмиз, Чироқчи тупроғини чангитиб улғайган майор Акбар Ерматов билан Иккинчи жаҳон урушига доир маълумотлар, экспонатлар йиғилиши, уларнинг жамлашиб музей ҳолига келтирилишига доир суҳбатимиз адабиётга уланди.

Вилоятда қилинган ишлар билан батафсил танишар эканман, менинг ҳам кўп нарсалар ёзгим келди. Айрим таъсири воқеаларни қайд этиб ҳам қўйдим. Иккон топилиши билан Қулмон амаким (Очилов) билан маслаҳатлашиб, бир асар яратмоқчиман. Тарих билан юзлашиб, миллатимизнинг самимиятига, фидойилигига, ғимматига фақат тан берганман, – дейди у.

Ҳа, одамлар кечаги кунни унутгани йўқ, қаҳрамонларни қалбларида ардоқляпти. Ўтмишдан сабоқ чиқариб, бугунни мустақамлаш, келажакка сармоя киритиш илинжида. Қилинаётган сазй-ҳаракатлар ёш авлодлар юрагига акс садо бериб, уларни Ватан равнақи йўлида илдамроқ одимлашга ундашига шубҳа йўқ.

Ишонч билан айтишимиз мумкинки, халқимизнинг томирида қони гупиллаб уриб турар экан, тупроғининг гардини ҳам душманга раво кўрмайди. Шу кунларда юртдошларимизнинг кўз илғамас вирусга қарши бир тану бир жон бўлиб курашаётгани ҳам фикримизнинг исботи бўлиб турибди.

Катта лейтенант Азиз НОРҚУЛОВ,
«Vatanparvar»



сафарбар этилган, деб билдилар. Ёвуз душманлардан ўлка тупроғини ҳимоя қилиш халқнинг номуси, ори, виждоний бурчи бўлиб қолди. Қарши, Китоб, Шаҳрисабз, Косон, Яккабоғ каби туманлар маркази ва Қарши шаҳрида, жамоат ва давлат хўжаликлари, саноат корхоналари ва мактабларда кўп минг кишилик митинглар бўлиб ўтди. Унда фашист босқинчиларига лаянатлар ўқилди. Душманни тезроқ тор-мор қилиш

отланганлар орасида Ғузор машина трактор станциясида ишлаган Николай Кошелев, Қарши шаҳар темир йўлида ишлаган Григорий Муха, бўёқчи Василий Белов, Қарши санитар-эпидемия станциясида омборчи бўлиб ишлаган Сергей Кривцов ва бошқалар бор эди. Вилоятда жуда кўплаб хотин-қизлар ҳам кўнгилли бўлиб фронтга жўнашга аэми қарор қилдилар. Кўнгиллилар қаторида қаршилиқ

ат кооперацияси моллари ва кўрлар жамиятида 2 385 минг рублга тенг маҳсулотлар ишлаб чиқарилган ҳамда фронт учун сафарбар этилган.

1941 йилда Қашқадарёда жами 48 та саноат ташкилоти бўлиб, уларда 3 015 нафар ишчи ишлаган ва 27 783 минг рублга тенг яппи маҳсулотлар ишлаб чиқилган. 1943 йилда Фарҳод ГЭСи қурилишида 3 миллион кубометр тупроқ чиқариш учун Қашқадарё вилоятдан қури-

УМУМХАЛҚ ҲАРАКАТИ

“ Ҳозирги кунда бутун дунё бўйлаб кузатилаётган мураккаб шароитда ишсизларнинг кўпайиши, ёрдам ва кўмакка муҳтож аҳоли сонининг ортиб бориши кузатилмоқда. Бундай синовли кунларда барчани бирдамликка, сабр-тоқатга ва бағрикенгликка чақираётган Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати йўлга қўйилди ва бир қатор ҳамюртларимиз ўз саховатпешалиги орқали элимиз, шифокорларимиз, армиямиз, қолаверса, коронавирус пандемиясига қарши кураш олиб бораётган барча-барча билан бирга эканликларини исботлашмоқда.

Айнан эл бошига иш тушган шундай вазиятда бутун республикамиз бўйлаб минглаб тадбиркорлар аҳоли қатлами ва айрим ташкилотларга баҳоли қудрат ёрдам кўрсатиш борасида ўрнатилган бўлишмоқда. Шу муносабат билан мамлакатимиз аҳолисининг сурункали касалликларга чалинган фуқароларини, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилалар, нафақадаги ҳарбийлар ҳамда Иккинчи

ЭЛ БОШИГА ИШ ТУШСА...

жаҳон уруши қатнашчилари учун озиқ-овқат, шахсий гигиена, дори-дармон воситаларини етказиб бериш ишларида, шунингдек, блок-постларда хизмат бурчини бажараётган ҳарбийларга амалий



кўмак бериб келаётган айрим нодавлат ноижорат ташкилот вакиллари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Мудофаа вазирлигининг бир гуруҳ офицерлари «Навоқанд People», «DURDONA TEKSTIL», «MUMTOZBEGIM TEKSTIL BIZNES» масъулияти чекланган жамиятлари раҳбарларига ана шу муко-

фотларни топширдилар. Шунингдек, «SHERXON ECO BILDING» ҳамда «TOSHKENT TARAQQIYOT BIZNES» хусусий корхоналари асосчиси Миразиз Мамажонов, «Premium Line» савдо уйи бош менежери Алеся Ким ҳам Мудофаа вазирлиги томонидан таъсис этилган мукофот ва махсус кўрак нишони билан тақдирландилар.

Фазлиддин ЧОРИЕВ

“ Ер юзида ҳаёт пайдо бўлибдики, ҳамisha кураш учун сабаб топилган. Гоҳ инсоният бири-бири билан, гоҳ табиатнинг синовлари билан. Ҳеч бир кураш эса қурбонларсиз бўлмаган.

Барча замонларда ҳам инсониятнинг ўзига боғлиқ бўлмаган курашларда ғолибликни қўлга киритиши осон кечмаган. Масалан, кўплаб инсонларнинг ёстиғини қуритган марбург, Эбола вируслари, қутуриш, чечак, хантавирус, денгиз безгаги, ротавирус, грипп, ОИТС каби касалликлар тарихдан бизга маълум.

Бу вирусларга қарши курашда инсоният керакли билим ва тажрибага эга бўлиши учун бир неча авлодлар умри керак бўлган ва кўплаб қурбонлар берилган.

Яқин тарихдан мисол қилсак, 1892 йилда Жиззахда, кейинчалик эса бошқа вилоятларда, хусусан Тошкентда ҳам вабо касаллиги тарқалган. Ингичка ичакнинг зарарланиши билан кечувчи бу касаллик аҳолини чинакамига ваҳимага солганди. Чунки ёш ва чегара билмас офат кўплаб инсонларнинг умрини хазон қилган эди. Касалликдан вафот этганлар оммавий қабристонларга қўйилмади. Диний

ШУЖРОНАЛИК



қоидалар билан қўмилмади. Дафн маросимида ҳатто яқинларининг иштироки тақиқланди. Бу чоралар эса албатта, инсон манфаати, унинг саломатлигини сақлаш, вабонинг даҳшатли оқибатларини камайтириш учун қилинган эди.

Минг афсуски, шундай кўринмас

бало билан курашиш бизнинг замондошларга ҳам «насиб» қилган экан. Бугун коронавирус дея ном берилган касаллик дунёнинг 180 дан ортиқ давлатларида тарқалишга улгурди. Унинг оқибатлари билан оммавий ахборот воситалари

орқали ҳар куни танишиб бормоқдамиз.

Бу курашда ҳар ким жангчи бўлиши мумкин. Фақат ҳар кимнинг ўз ўрни бор. Кураш марказида, албатта тиббиёт ходимлари ҳамда ҳарбийлар фидокорликлари ва садоқатларини намоён қилмоқдалар. Ҳукуратимиз уларга барча керакли шарт-шароитни яратиб берди. Зарур тиббий жиҳозларнинг бир нечасини маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қўшимча касалхоналар қурилди, карантин ҳудудлари барпо этилди. Аҳолини ҳимоялаш ва касалликнинг кенг тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида барча зарур чоралар кўрилди. Ижтимоий масофа сақлаш учун аҳоли кўп тўпланадиган жойларнинг фаолияти

чекланди.

Аммо, бу ҳаёт тарзимиз издан чиқди дегани эмас. Деярли барча ўз фаолиятини масофавий меҳнат тизими орқали давом эттирмоқда. Бутун эътибор халқимиз саломатлиги ва осойишталигини таъминлашга қаратилмоқда. Бу жараёнда эса, барча куч тузилмалари тиббиёт ходимлари билан елкама-елка туриб биргаликда курашмоқдалар.

Амалга оширилаётган тезкор тадбирлар натижасида касалланганлар соғайиб, оиласи бағрига қайтапти. Уларнинг юзида, кўзида миннатдорлик ҳисси уфуриб турибди. Давлатимиз, шифокорлар ва ҳарбийларимиз шаънига айтилаётган илиқ сўзларнинг эса чек-чегараси йўқ. Шундай дамларда буюк аждодларнинг муносиби давомчиларига қараб фаҳрга тўласан, киши. Ўзбек халқи кучли, иродали. Унинг сабр-тоқати ва матонати минг йиллар давомида синовдан ўтиб, тобланиб келган. Шижоат, тартиб-интизом ва кўтаринки руҳ билан ғалаба онлари томон илдам одимлаймиз. Ғалаба онлари эса албатта, яқин!

Баҳридилхон ЭРГАШЕВА,
М. Улуғбек туманидаги
27-умумтаълим мактаби
тарих фани ўқитувчиси

МОЗИЙ – ҲАҚИҚАТ ТАРОЗИСИ

Турон, Туркистон тарихи инсоният тарихининг кўп ўрганиладиган, тез-тез мурожаат қилинадиган муҳим бир қисмини эгаллайди. Зотан, бу юрт дунёга бир неча юзлаб улуг инсонларини бергани, дунё тараққиётида муҳим ўрин тутгани, мозий пўртаналарида гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасайган давлари билан эътиборли.

Ун тўққизинчи аср охири ва йигирманчи аср бошларидаги дунёни бўлиб олиш сиёсати Туркистон учун оғир зарба бўлди. Бундан нафақат Туркистон, балки дунё кўп нарсани йўқотди. Мустамлакачиларга қарши гоҳ қуролли, гоҳида қуролсиз мурося йўли билан кечган курашларнинг барчаси бесамар кетди.

Сабаб илмсизлик, бирликнинг йўқлиги бўлди.

Сабаб ўзибилармонлик, манманлик бўлди.

Сабаб кўзларнинг, қалбларнинг кўрлиги бўлди.

Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон ва хориж архивларида сақланаётган кўплаб ҳужжатлар, хотиралар, шахсий ёзишмалар ёруғликка чиқди. Ҳақпараст боболаримизнинг, миллат дўстларининг муборак номлари, амаллари илмий тадқиқотларда, бадий асарларда, кундалик нашрларда қайд этилди.

Булар биз учун бир ойна бўлди, аммо сабоқ бўлмади.

Булар аччиқ ҳақиқатни – юзимизни ўзимизга кўрсатди, аммо ибрат бўлмади.

Булар бир йўл бўлди, аммо бу йўлдан юргувчилар бўлмади.

ЛЕНИН ВА СТАЛИННИНГ ТУЗОҒИГА ИЛИНМАГАН ВАЛИДИЙ

Уларнинг дарди бир эди

1890 йил 10 декабрда Бошқирдистоннинг Уфа шаҳрида муслмон оиласида туғилган шарқшунос-туркшунос олим, фалсафа фанлари доктори, юртсевар ўғлон Аҳмад Закий Валидий Тўғон дунёда туркий халқлар миллий озодлик ҳаракатининг етакчиларидан бири сифатида тилга олинади. У дастлабки таҳсилни Қозон шаҳрининг Қосимия мадрасида олиб, шу ерда туркий халқлар тарихи ва адабиётдан дарс беради. 1913 йилда Қозон университети, 1914 йилда Россия Фанлар академияси йўлланмаси билан Туркистоннинг қадимий шаҳарлари Фарғона ва Бухорода бўлган Аҳмад Закий Валидий Марказий Осиёда яшаётган туркий халқлар тарихи, турмуши ва маданиятини чуқур ўрганиш баробарида тараққийпарвар жадидларга қучли таъсир кўрсатди. Чунки Валидийнинг ва жадид боболаримизнинг мақсад-муддаоси, дарду алами бир эди. Бу ҳақда у ўзининг «Хотиралар»ида шундай иқдор этади:

«Мен бу саёҳатим давомида Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Бухорода жуда кўп дўстлар орттирдим. Уларнинг аксарияти... Туркистон маданияти, кейинроқ сиёсий ҳаётимдаги фаолиятимда асқатди ва улар билан бўлган бу дўстлигим қалбимда жуда кўп унутилмас хотиралар қолдирди. Туркистонда танишган шахслар орасида Назир Тўракул билан Абдулхамид Сулаймон (Чўлпон) менга алоҳида яқин дўстлар бўлдилар».

Ўлка муслмон шўроси бош котиби

1915 йилда Санкт-Петербург думаси муслмонлар фракцияси аъзоси бўлиб сайланганидан кейин Валидийнинг қизғин сиёсий фаолияти бошланади. Бошқирдистон мухторияти ҳукумати бошлиғи ва ҳарбий ноири Валидий туркий эл-элатларнинг бирлиги ва мустақиллиги гоёсини изчил ҳимоя қилди. У 1917 йилда Москвада бўлиб ўтган Русия муслмонлари конгрессида туркистонликларнинг вакили сифатида иштирок этади.

1917 йилда Тошкентда тузилган Бутун Туркистон муслмонлари 1-курултойида Туркистон ўлкаси муслмон шўроси раислигига Мустафо Чўқай, Валидий бош котиби ва «Кенгаш» газетасининг муҳаррири этиб сайланди.

1919 йил Бокуда ўтказилган Шарқ халқлари конгрессини ташкил қилиш фикрини ҳам даставвал у билдирган эди. Аммо конгресс ўтказилмаган вақтда Валидий қочқин эди, уни қўлга олиш учун кўрсатма берилганди. Шунга қарамай у конгресс ишида ҳақиқий маънода фаол қатна-



шади, унинг қарор-лойиҳаларини Туркистон вакиллари Иброҳим Жонзоқов каби дўстлари конгрессга тавсия қилишади.

Боку конгрессидан олдин Турор Рискүлов Валидийни рус хорижий ишлар комиссарлигининг муслмон коммунистларига берилмаган бир номаси билан таништиради. Ҳаламисона қарама-қаршиликлар, диний ва тариқат жанжалларини кучайтириш, савдогарлар ва шайхлар орасида баҳс ва келишмовчилик туйғуларини тўғдириш тавсия қилинган номада Шарқ халқлари орасида қудратли адабий тиллар вужудга келишига ҳалақат бериб, бу халқларнинг тилини парчалаб юбориш имконияти ва бунинг аҳамияти ҳақида ёзилганди.

Ленинга мактуб

1920 йилнинг 12 сентябрида РКП(б) Марказий комитетига Ленин, Сталин, Троцкий ва Риков номига миллий масала, миллий дахлсизликни адолатли ҳал этиш хусусида хат битади. Ленин билан Сталинга тўғридан-тўғри айтишга ҳеч ким ботинолмаган жиддий фикрлар ёзилган хатда шундай сўзлар ҳам бор эди:

«Фақат билмайсики, биз маҳаллий деҳқонларнинг мутлақо синфий душмани эмасмиз ва умуман масҳараланишга бош эгиб турмаймиз. Ўзларингизга керак бўлган қурбонларни топиб оларсизлар. Фақат ўша қурбонлар биз бўлмаяжамиз». Бу хатнинг қисқача мазмуни Валидийнинг «Туркистон тарихи» китобида босилган.

Аҳмад Закий Валидий Тўғон том маънодаги Туркистон фарзанди номига муносиб яшади. Унинг Бухоро ва Хивада Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори, Абдулхамид Чўлпон, Мустафо Чўқай, Назир Тўрақулов, Файзулла Хўжаев каби жадидлар билан биргаликда советларга қарши фаолияти алоҳида катта мавзу. «Асосий ишимиз амирга қарши курашни давом эттириш, Бухоронинг миллий аскарини тузиш, Хивадан, Туркменистон, Қозоғистондан вакиллар қақриб, бир Туркистон Миллий Бирлиги тузиш эди», деб ёзганди у.

Валидий хорижда

Тараққийпарвар, юртсевар Аҳ-

нашр қилинган.

«Хотиралар» таржимони

Жадидлар ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганган фидойи олим Шерали Турдиев Валидийнинг «Хотиралар» асаридан юртимизга тегишли ўринларини таржима этиб, бундан 23 йил аввал «Шарқ юлдузи» журналида чоп эттирган эди. Заҳматкаш олим Шерали Турдиев «Хотиралар»га кириш сўзида шундай ёзади:

«Китобни варақлаганингизда Мустақиллик учун кураш, уни муҳофаза қилиш, турк халқлари қудрати, бойлиги, маданиятини дунё аҳлига танитиш учун киши қандай қўламда ишлар олиб бориш кераклиги борасида катта сабоқ оласиз. Йирик олим ва йирик сиёсатчи Закий Валидий ўз китобида туркистонликларнинг миллий истиқлол йўлидаги курашлари, мағлубиятга учраши сабабларини, Туркистон демократияси ва федерацияси, парламентар давлат тузишда жадидлар, кадетлар ва федералистларнинг қарашлари, уларга бўлган муносабатини рўй-рост ёритган, большевикларнинг, Совет давлати раҳбарларининг риёкорлик сиёсатини фош қилган.

Дунёни туркка, туркни дунёга танитишда бекиёс ишлар қилган бу зот жаҳон туркшунослик фани тарихида ўчмас из қолдирди».

Асқад Мухтор Валидий ҳақида

Атоқли ёзувчимиз Асқад Мухтор «Изчил руҳ» номи мақоласида Валидий шахси ҳақида ўз фикрларини шундай баён қилган эди:

«Ҳолбуки, у жаҳон тилларида (араб, турк, немис, венгер, француз, инглиз) тўрт юздан ортиқ асарлар эълон қилган, агар шу рўйхатнинг ўзинигина кўздан кечирсак ҳам бу зот олдида қанчалик қарздор эканлигимизни сеза оламиз...

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳонга юз тутмоқчи экан, бу катта истиқболга у бақувват иқтисодиёти билангина эмас, бутун маънавияти, бутун маданий мероси ва миллий қадриятлари билан қикиши керак. Бу йўлда бизда мана шундай руҳий изчиллик намуналари мавжуд».

P/S: Ватан тақдирига бепарқ бўлмаган, яқин тарихимизга қизиққан ўқувчилар газетамизнинг кейинги саҳифаси ва навбатдаги сонларида Аҳмад Закий Валидий Тўғоннинг Туркистонга оид «Хотиралар»и билан танишишлари мумкин. Заҳматкаш олим Шерали Турдиев таржимасидаги бу асардан парчаларни енгиллик бўлиш мақсадида кичик сарлавҳалар, қисқартирилган билан тайёрладик.

Фурқат ЭРГАШЕВ



Туркистонга илмий саёҳатим

1914 йилнинг мартага қадар давом этган бу саёҳат вақтида мен Фарғона, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида қўлэзма асарлар, шахсий кишилар қўлларидан бўлган манбаларни изладим. Мамлакат ҳўжалиги, тарихи, географиясига оид бир талай муҳим вақф қоғозларини ҳам, бошқа баъзи бир диний гуруҳларнинг қиримлари ёзилган ҳўжжатларни, мол ҳақларининг ўзгаришини кўрсатувчи маълумотларни ҳам йиғдим. Фарғонада кўчманчи ўзбеклар тўғрисида этнографик маълумотлар тўпладим. Бу саёҳатим тўғрисида «Бир турк олимга нисбатан кўрсатилган ҳўрмат белгиси» деган сарлавҳа остида Туркия матбуотида («Турк юрти») ҳикоям босилди.

Мен бу саёҳатим давомида Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Бухорода жуда кўп дўстлар орттирдим. Уларнинг аксарияти... Туркистон маданияти, кейинроқ сиёсий ҳаётимдаги фаолиятимда асқатди ва улар билан бўлган бу дўстлигим қалбимда жуда кўп унутилмас хотиралар қолдирди.

Қозоқлардан ўша вақтларда гимназия талабаси, кейинроқ коммунист Назир Тўрақул (Тўрақулов), Тошкентдан Петербург университети ҳўқуқ бўлими талабаси Мустафо Чўқаев, ўзбеклардан кейинроқ шоир бўлган Абдулҳамид Сулаймон, яна Тошкентдан, келиб чиқиши нўғайлардан бўлган тарихчи Пўлат Соли, ўзбеклардан Мунавварқори ва Убайдулла Хўжа, Самарқанддан Маҳмудхўжа Бехбудий, Бухородан Аҳмаджон Маҳдум, яна, қирғизлардан бошланғич мактаб ўқитувчиси Еназақ ўғли Иброҳим ҳам шулар жумласидандир.

Китобларни қай тартибда ўқиш керак?

Туркистонда танишган шахслар орасида Назир Тўрақул билан Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон) менга алоҳида яқин дўстлар бўлдилар. Назирнинг отаси Тўрақул Фарғона губернаторининг таржимони эди. У баъзи қимматли қўлэзма асарлар тўплаган. Қўлига тушган китобни ўқир, ҳар ўқиган муаллифининг таъсирини берилар эди. Мен эса унга инсон ўзининг қисқа бир умрида китобларни муайян бир мақсадда ўқиш кераклигини, одам шу вақтдагина ютуққа эришажягини айтдим. Менинг бу фикримни у 15 ёшлик ўсмир бўлган шоир Чўлпон онгига сингдиришга ҳаракат қилган, ўзи (яъни Тўрақул) эса катта мансабдор ва кайфи ўзгариб турадиган одам бўлганлигидан, бу одатга ўрганолмаслигини, тартибга кўникиши қийинлигини айтди.

Назир ўша вақтда ватанпарвар туркчи эди. Истанбулда чиқадиган «Турк юрти»ни ўқирди. Кейинроқ коммунист бўлди. Жиддада рус элчихонасида ишлади. Турк тили масалалари тўғрисида мақолалар бостирди, миллий маданиятга содиқ қолди, шунинг учун ҳам Советлар тарафидан ҳўкм этилган кишилар қатори йўқ қилинди.

Чўлпоннинг отаси Сулаймон баззоз

Кейинроқ ўзбекларнинг энг буюк шоирига айланган Чўлпон ўша вақтда 15 ёшларда бўлган бўлса керак. Менга тарих китобимни ўқиб, илҳомланганлиги ва фикрдошлик қилишимни айтиб,

хат ёзди. Андижонга, уйларига меҳмонга таклиф қилди. Мен Назир Тўрақул билан уйларига келгач, бой-бадавлат бўлган унинг отаси Сулаймон баззоз маслаҳат қилмай уйига меҳмон қақирган ўғлидан норозидай бизни биров совуқ қаршилади. Абдулҳамиднинг уйда йўқлиги ҳам хунуқроқ бўлди. Абдулҳамид отасига бизни таклиф қилганини айтмаган экан. Шунда мен отага қуйидаги маънодаги бир форсча шеър айтдим:

«Булбулигўё деган бир қўш бўлар экан, у сайраганда бошқа қўшлар ҳам эриб кетар экан».

Зехли Сулаймон акага шеър таъсир қилди шекилли, бизни аввал анча совуқ қаршилаганига қарамай кайфиятини дарров ўзгартириб: «Сизлар энди ўғлимнинг меҳмони эмас, менинг меҳмонимсизлар», деб меҳмонхонага қайтиб кетишимизга йўл бермади. Буюк турк шоир Чўлпоннинг отаси форсий адабиётни ниҳоятда ҳўрмат қиларкан. Ўзимни та-

мен инглиз тилида бир асар нашр қилдим.

Бухоро хонлигидаги илмий текшириш ишларини тамомлаб, Тошкентга келгач, губернатор ёрдамчиси А.А. Семёнов ўша Қуръон саҳифаларини жуда қимматбаҳо пулга сотиб олишини айтди. Мен унга:

– Фанлар академияси учун олдим, ўша ерга топшираман, – дедим.

Амирнинг амакиси Саид Акрам тўра

Шаҳрисабзга келгач, бу ердаги Темуру авлодлари даврида қурилган биноларга нақшинланган ёзувларнинг нусхаларини олдим. Уларга тўла изоҳлар ёздим. Руслар Бухорони босиб олганидан кейин 50 йил ўтса ҳам, Туркистоннинг энг буюк қурилиш обидалари бўлган бу бинолардаги ёзувларнинг фотосуратлари босилиб чиқмаган...

Июнь бошида Ғузорга келгач, амирнинг амакиси бўлган Саид

дан расмий хизматчи сифатида жўнатилганим учун қайтишга шошилмадим. Бухорода текшириш ишларини давом эттирдим. Мен ҳам бошқаларга ўхшаб бу урушда Туркиянинг Германия томонида бўлишни хоҳлар эдим. Бу тўғрида бухороликлар билан кўп сўзлашардик. Насрулло қўшбеги мени амирнинг саройига олиб келиб баъзи китобларни кўрсатди. Лекин бу ҳақда ҳеч ерда ёзманг ва бировга гапирманг, деб таяинлади.

Бухорода учратган муҳим асарлардан бири XVII асрда Қозонда нашр этилган, Маҳмуд Вали тарафидан жуда пухта ёзилган жуғрофия китоби эди... Бундан бошқа яна Бухоро ва Хуросоннинг ўн еттинчи асрдан кейинги тарихига оид бир неча муҳим асар топдим. Шуларнинг бири, XVII асрда Бухорода ўзбек шоири Имомий томонида ёзилган «Хонлар тарихи» ёки «Хоннома» деган бурунги турк дostonлари мажмуаси эди. Уша асарнинг 1948 йили Истанбулда топилган форсча нусхаси ҳақида

Аҳмад Закий Валидий Тўғон:

ҚУРЪОНЛАР БИЗ БЎЛМАЯЖАКМИЗ!



ништирдим, йўлланма қоғозимни кўрсатдим...

Буюк ўзбек шоирининг ўзи билан ҳам, унинг меҳмондўст отаси билан ҳам танишиб олдик. Назир Тўрақул туркчани билишдан ташқари, форсий адабиётни ҳам тушунар ва ҳўрмат қилар эди. Сулаймон ака билан хайрлашдик, у кишининг менга қилган совғаларини онамга олиб бордим...

Биринчи Туркистон саёҳатим ҳақидаги ҳисоботим Россия археология жамиятининг Шарқ бўлими нашр этган «Қайдлар»да босилиб чиқди.

Қаршидаги аянчли ҳолат

Май ойида Қарши шаҳри бозорида ашқол-дашқол сотиб турувчи бир одамни кузатдим. У ҳар хил дори-дармонларни ўраб беришга эски туркча китоб варақларини ишлатар эди.

– Бу қоғозларнинг бошқа бетлари қаерда? – деб сўрадим. У эски китобдан йиртиб олган экан. Қуръоннинг туркча қилинган таржимасининг айрим саҳифалари бўлган бу қоғозларни Бухоро пули билан 20 тийинга сотиб олдим. Бу асар туркий тилнинг ислом давридаги энг қадимгиси бўлиб чиқди. Шарқшунослардан Бартольд ва Залеман ҳам бу ҳақда мақолалар ёздилар. Сўнг бу асарнинг қолган қисмлари – Эронда илҳонийлар ва Олтин Ўрдада Жўчи ўғиллари даврида ёзилган нусхалари Истанбулда топилди. Қуръоннинг энг бурунги таржималари ҳақида

Акрам тўра вали (ҳоким) бўлишига қарамай мени жуда ҳўрмат билан кутиб олди. Ҳўкмдорлик қилган амакиваччаси Амир Олимхондан бу одам қаноатланмас эди... Саид Акрам тўра менга ўз саройида қолиб, ўғилларига муаллимлик қилишни, русча ўргатишни таклиф қилди...

Ундан кейин Сарюсиёга келдик. Бизнинг (яъни бошқирд) дostonларимизда Етели Бойсун номи билан машҳур бўлган дoston қаҳрамони Алп Банзи Бўйранинг (Алпомишнинг) туғилган ери, буйрак ва қўнғирот кўча қабилаларининг асл ватанлари ҳисобланган Бойсуннинг беги билан танишдим. У менга бир кунда олти хил овқат қилиб едирди... Зиёли бир йигит бўлган Сарюсиё беги Исҳоқбек менга қадимги турк суфийларининг ва Аҳмад Ясавийнинг асарларидан ташкил топган, мен шу кунга қадар билмаган эски, лекин тўла бўлган бир тўплам берди, уни ўзимга совға қилиб бергани учун Фанлар академиясига топширмадим. Кейинчалик йўқолди. Топширсам йўқолмас эди.

Саёҳатимнинг натижалари

14 июлда (1914 йил) Қаршига келгач, Россия – Германия уруши эълон қилинганини эшитдим, мен ҳарбий сафарбарликка илинатурғон бўлсам ҳам Петербург-

немисча ахборот ёзиб, 1954 йилда Кембриждаги шарқшу-

нослар конгрессида маъруза қилдим ва Голландияда нашр эттирдим. Бу саёҳатим ҳам, аввалги Фарғонага бўлган саёҳатим каби фойдали, лекин уруш бошланиб қолганлиги туфайли қисқа бўлди.

Ҳисоботим натижалари Россия археология жамиятининг шарқ бўлими «Қайдлар»ида босилди. Бартольд билан Радлов бу саёҳатдан жуда рози бўлди... Бартольд «Темурунинг Ҳиндистонга сафари»ни бостириб чиқараётганида, корректурасига қарашдим. Улуғбекнинг ҳаёт йўлига бағишланган асари ёзилиши ва баъзи манбаларнинг ўқилишига ёрдам қилдим. Темурунинг Сурия, Шом, Анатолий (Рум) тарафлари сафарлари тўғрисида ёзилган асарни (муаллифи Шаҳобиддин Мунший) Фарғонада, хусусий хазинада кўриб, бир неча соат ичида танишган эдим. Китобнинг эгаси асарни Россияга жўнатишга рози бўлмади, кўп ҳаракат қилгани билан китобни қўлга кирита олмадим. Бу йил Бартольд билан бирга бўлганим мен учун жуда фойдали бўлди...

(Давоми бор)
Шерали ТУРДИЕВ
таржимаси асосида
тайёрланди.

СУРХОННИНГ ПАҲЛАВОНИ

«Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабага қарийб 75 йил тўлишига қарамай, у етказган талафотлар юрагимиздан ҳали-бери ўчмайди. Ёш, навқирон, айна кучга тўлган чоғида қанчадан-қанча норқул азаматларимиз урушга сафарбар этилди. Сурхондарёлик Нурали Ҳамроев ҳам ўн олтинчи баҳорини жанг майдонида кутиб олди...

Сурхон юртининг кенгликлари, булутлар бағрига туташган тоғларида вояга етган Нурали юртининг алп ўғлонларидан. У зуваласи пишиқ, нигоҳлари ўткир, кўринишидан қаттиққўл ва чўрткесар. Курашда кураги ерга тегмаган бу йигит ўсмир пайтидан кишлоқ оқсоқоллари оғзига тушади.

1943 йилнинг баҳори. Нурали Ҳамроев Шўрчи тумани ҳарбий комиссариатига ўзини урушга олиб кетишларини сўраб, хат ёзади. Жангчини жанг майдони узоқ куттирмади. У 2-Белоруссия fronti, 143-ўқчи дивизиясининг ўқчи-разведкачи таркибида кўплаб шаҳар ва қишлоқларни озод қилишда, фашист кўшинига қарши охириг жангларда мардонавор қатнашган. Нурали Ҳамроевнинг кўрсатган жасорати, урушдаги қаҳрамонликлари фронтда ҳам, фронт ортида ҳам бирдек эътироф этилади.

Жангдан олдин жанг

Фронтга эшелонда кетаётган, ҳали уруш кўрмаган бир гуруҳ аскарлар немис учоғи томонидан бомбардимон қилинди. Ҳали жанггоҳга етмасдан жон берган жангчилар, ярадор аскарлар, тупроқни бўяган қон, ҳар томонга сочилган қурол-яроғлар... Ҳа, манзара чиндан ҳам дахшатли. Омон қолганлар ўрмон ичида тўпланиб, партизан отрядига дуч келади. Улар 80 кишидан иборат эди. Партизан отряди командири бомбардимон қилган самолётларнинг аэродроми қаердалигини ва уни йўқ қилишга отряднинг кучи етмаслигини айтиб, янги жангчиларни бирга ҳаракат қилишга чорлайди. Шундан сўнг бир кеча йўл юриб, душман мудофаа чизигига етиб келган гуруҳ пистирмадан ҳужумга ўтади. Нурали Ҳамроев изига тушган душман аскарларига тузоқ қўйишга ва уларни чалғитишга муваффақ бўлади. Унинг аэродромни, самолётлар билан бирга шахсий таркибни ҳам йўқ қилишдаги жасорати фронтга етмасидан сафдошлари тилига тушган.

Жанг майдонида

Дивизия командири урушга келганига ҳали бир ҳафта бўлмаган Нуралини ўқ-дори ортилган машиналарни кўриқлаб борадиган ўн кишидан иборат гуруҳга раҳбар қилиб тайинлайди. Гуруҳ йўлда фронт ортида қолиб кетган фашистлар отрядига дуч келади. Вазият оғир. Ҳужум кўққисдан бўлди. Душман сон ва имконият жиҳатдан устун. Аммо ёш жангчи уларнинг ҳужумига чап беради. Юздан ортиқ фашист аскарлари асир олинди. Жанг қурбонларсиз кечмади. Нуралининг сафдоши, кадрдон дўсти Азим ҳалок бўлди. Унинг жонсиз танасини кўтариб борар экан, у билан ўтказган болалик хотираларини эслади... Азимнинг ўлими уни ҳақиқий жангчига айлантirdи. Бу жангда кўрсатган жасорати учун у жанговар медаль билан тақдирланади. Нурали бу медални кейинчалик дўстининг ота-онаси кўксига такди.



Нурали чапдастлиги, оғир жараёнларда совуққонлик билан вазиятни қўлга олиши ва бошқа сифатлари билан моҳир мерганлар сафидан жой олди. 1944 йили Кипрда ўн кишидан иборат разведкачилар душман мудофаа чизиги ортига ўтиб, дарёда чўмилаётган фашист аскарларининг 10 нафарини асирга олди. 150 нафар фашист аскарларини эса нариги дунёга равона қилди. Ушбу операция

учун у иккинчи марта «За отвогу» медали билан тақдирланади. Шундан сўнг ўнлаб шаҳар ва қишлоқларни душман кўшинидан озод қилишда қатнашган жанглардаги қаҳрамонлиги учун «За боевое заслугу» медали ва II даражали «Отечественная война» ордени билан тақдирланган азамат чиндан ҳам Алпомиш авлоди эканлигини исботлаган.

Эльба дарёсида америкалик аскарлар билан душманга қарши жангларда кўрсатган жасорати океан орти жангчиларининг ҳам эътирофга сазовор бўлди. У фашистларнинг жиноятларини тергов қилган прокурорни кўриқлаш гуруҳида ҳам қатнашди. Нурали Ҳамроев уруш тугашига қарамай, 1947 йилгача партизанлар отрядида бўлиб, шу йилнинг май ойида она Ватанига қайтди.

Урушдан қайтиб...

Нурали Ҳамроев урушдан қайтиб, анча йиллар масъул лавозимларда: аввал ҳарбий таълим ўқитувчиси, кейин Шўрчи туман солиқ инспекцияси ходими, 1954-1956 йиллари тумандаги ёғ-мой пунктига раҳбар, 1959-1960 йилларда туман матлубот жамиятида савдо бўлими бошлиғи бўлиб хизмат қилди. Очлик йилларида ҳам тинимсиз меҳнат қилиб, элга бош бўла олди. Узоқ йиллар халқ манфаати йўлида ҳалол меҳнат қилган отахоннинг хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб эътироф этилиб, «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Беш нафар фарзандни вояга етказиб, 20 нафар невар ва 22 нафар чеваранинг камолини кўриб, эл олқиши, меҳр-муҳаббатини ҳис қилиб яшаган пир бадавлат бобо мазмунли ҳаёт кечирди. У 2006 йили вафот этди.

Шернинг боласи ҳам шер бўлади

Халқимиз от ўрнини той босар, деб бекорга айтмаган. Бугун Нурали Ҳамроевнинг фарзандлари, неваралари ҳам осойишта кунларимизнинг соқчилари. Нурали ота Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, дориламон кунлар сабабчиси бўлган бўлса, неваралари бугун юртимиз сарҳадларини кўриқлаётган Ватан ҳимоячилари сафида. Невараси Музаффар Нуриллаев ҳарбий хизматдан нафақага чиқишга ҳам улгурган. У ҳозирда Жамоатчилик кенгаши фаолларидан бири.

Яна бир невараси подполковник Адҳам Нуриллаев Ўзбекистон Қуролли Кучлари академиясининг Гуманитар фанлар кафедраси докторанти. Унинг ўғиллари ҳам худди бобоси, отаси каби Ватанинг камарбаста фарзандларидан бўлиш ниятида. Ҳа, мардлик, жасорат туйғулари ана шундай наслдан наслга ўтиб келаверади.

Айжамал ЖОЛДАСБАЕВА, «Vatanparvar»

ХАЛҚИМ ЖАСОРАТИ

Она юртим юрагинга ўйиб ёзган,
Фарзандларинг ёди асло ўчмагайдир.
Жасорати, номларига битилган шаън –
Абадийдир, хотираси ўлмагайдир.

Хотиралар сарварағи туманида,
Бугун қалбим ёритувчи машъалам сен.
Мотамсаро оналарнинг армонида,
Фарзанд доғин аритувчи бир малҳам сен.

Қийинчилик, ғам-андуҳлар карвонини,
Она халқим бардош ила кутиб олдинг.

Отам қани? Акам қани? Воҳ, жигарим,
Ўғлим дея, минг азобни ютиб қолдинг.

Ўқсиб урма, кенг кўксингга темир муштинг,
Енгилмадинг, енгилмадинг, ҳеч синмадинг.
Она халқим мард, жасурдир етти пуштинг,
Меҳнат ила, тоқат ила зафар қучдинг.

Қуллуқ қилгум, фахр этгум ҳар доимо,
Буюк қалбли, буюк халққа бу эъзоддир.
Ботирларинг жасорати сўнмас зиё,
Уни қанча хотирласак, шунча оздир.

Иродабону КОМИЛОВА,
Юқори Чирчиқ тумани, 8-синф ўқувчиси



9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

ҒАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИ-
ГИГА МУНОСИБ ТАДРИК

Мамлакатимизда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигини янада кўтаринки тарзда қарши олишга юқори даражада эътибор қаратилмоқда. «Ғалаба боғи»ни яратиш, «Шон-шараф» музейини ташкил этиш учун жуда катта ишчи кучи сафарбар қилинди, керакли мухтаassisлар жалб этилди. Ва бу ишчи гуруҳи ўз олдига қўйилган вазифани матонат ила адо этмоқда.

Мамлакатимизда 9 май нафақат ғалаба куни, балки давлатимиз томонидан Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилинганига 21 йил бўляпти.

Хотира ва қадрлаш. Мана шу икки сўзда мен ўзлимизни, миллатимиз қиёфасини кўраман. Негаки, ўзбек халқи ҳамisha аждодлари хотирасига садоқатли, кекса-ю ёшга меҳру оқибатли бўлиб келган. Бу улуг қадриятга ҳамisha амал қилинган. Аслида, хотира ва қадрлашни бир-биридан айро тасаввур этиш мушкул. Чунки эл-улус орасида, яқинлари бағрида қадр топган инсонгина бу дунёни тарк этганида ҳам меҳр ила ёдга олинади, авлодлар хотирасида ёрқин асралади, тирикликдаги эзгу амаллар тилдан тилга ўтади. Айниқса, Ватан озодлиги, миллат ҳурлиги, эл тинчлиги ва осойишталиги йўлида сарф этилган умр, бахшида этилган жон миллат юрагига муҳрланади. Бундай умрлар мангуликка дахлдордир.

Хонадонларимизда амалга ошириладиган бир аънаана кўп бор гувоҳ бўлганман. Яъни яқинларимизнинг оламдан ўтганига неча йил бўлмасин, ҳар йили ўша куни яқин-йироқдагилар йиғилишиб, уларни яхши хотиралар билан эсга олиш ўзлимизга хос эзгу амаллардандир. Давлатимиз томонидан 9 май санасининг Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши эса, бу қадриятни янада юксак даражага олиб чиқди. Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, фронт орти заҳматкашлари ва меҳнат фахрийларини зиёрат қилиш, асрларга туташ хотираларидан баҳраманд бўлиш, ўғит ва насихатларига қулоқ тутиш, умр йўлларида ўрнатилган барчамиз учун зарур амаллардан биридир. Негаки, қариялари қадрланган элнинг қадри баланд, келажаги нурли. Негаки, Ватан янглиғ тенгсиз масканнинг ҳар осуда лаҳзасини нафақат олмос билаклар, балки нурунийларнинг нурли дуолари ҳам асраб туради.

Хотира ва қадрлаш куни авлод-аждодларимизнинг сўнги манзили бўлган қабристонларни обод қилиш йўлидаги сый-ҳаракатлар билан ҳам эътиборга моликдир. Турли сабаблар ила яқинларининг қабрини зиёрат қилишга имкон тополмаганлар учун-да, муҳим фурсатдир, бу сана. Шу кун қабристонларни обод қилиш, кўкаламзорлаштириш асносида, ўтганлар хотираси ёдга олинади. Хотира азиз, қадр



**Хотира уйғоқки инсон барҳаёт,
Қадр пойидадир умр ҳикмати.
Шу икки туйғу-ла азиздир ҳаёт,
Шу икки сўзда жо инсон сурати.**

1945 йил 9 май жумлаи-жаҳонни ларзага солган, миллионлаб инсонларнинг ёстиғини қуритган, ҳаётини издан чиқарган, қалбларини мажруҳ қилган катта муҳорабанинг тинчликка эврилган, яъни фашизм устидан қозонилган ғалаба куни. Бу йил ушбу шукӯҳли санага 75 йил тўлади. Бироқ бу – урушнинг касри, оловли захми узоқ йилларга қадар армонли из қолдирганки, неча йил ўтмасин, инсоният у кунларни асло унутмас.

муқаддас, деганларидек, бундай улуг кунлар муаззам қадриятлар бардавомлигидан далолат.

Хотира ва қадрлашнинг истиқлол авлодлари учун муҳим жиҳатларидан яна бири, мустақиллигимизни асраш йўлида жон фидо этган шерюрак ўғлонларимиз жасорати, тарих зарварақларига муҳрланган азиз номлари мангуликка дахлдор эканлигидан бонг уриб туради. Сароисё ва Узун туманларда халқаро террорчиларга қарши олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар, Бўстонлик, Янгиобод, Боткен, Андижон воқеалари, уларда мустақиллигимиз ва тинчлигимизни асраш йўлида мардларча ҳалок бўлган ботир ўғлонлар хотираси унутилмасдир. Улуғбек, Алишер, Баҳром, Бобур, Нариман, Дониёр, Эломон, Сайёр, Юнусжон, Шермуҳаммад, Исмадулло, Маҳмуджон... Иккинчи жаҳон уруши муҳорабасида иштирок этган неча минглаб ватандошларимиз фашизм балосига қарши олиб борилган жангларда жон таслим қилган бўлса, бу жасур ўғлонларимиз халқимизнинг асрлик орзуси – истиқлолимизни асраш йўлида кўксини қалқон қилган мардлардир.

Уларнинг ота-оналари билан бўлган сўхбатлардан бирида «Ўғлимнинг эркими йўлидаги жасоратини эл-юртимиз унутмайди, бунга ишонаман», деган эди қахрамоннинг отаси. Дарҳақиқат, бу элимиз қон-қонига сингиб кетган азиз қадрият. Негаки,

миллат учун, унинг истиқболи учун жонини қурбон қилганларни унутиш ўзликни унутиш билан баробар. Мен бу шердил ўғлонларни тоғларга қиёслагим келади. Улар метин қоялар янглиғ ҳамisha миллат хотирасида қад ростлаб туради.

ҚАРИЯЛАРИ
ҚАДРЛАНГАН ЮРТ

Кексаларни қадрлаш – миллатимизга хос улуг фазилат. Айниқса, ёши улугларни эъзозлаш, ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг панд-насихатига қулоқ тутиш, парваришlash ва ардоқlashда бизга етадигани йўқ. Биргина дастурхон атрофидаги ҳолатни олайлик. Ёши катта инсонлар давра тўридан жой олмоғи шарт ва улардан олдин дастурхон неъматларига қўл узатилмайди. Буни ҳатто сабри сайқалланмаган болакайларимиз ҳам яхши англашади. Шунингдек, уларнинг сўзини бўлиб фикр билдирилмайди. Улардан руҳсатсиз, уларнинг дуоларисиз дастурхондан турилмайди. Баъзида кексаларимизнинг «қариганинг сари қайтадан ёш болага айланиб, қаровга, меҳрга муҳтож бўлиб қоларкансан», дея хижолатлик ила айтган нолишлари қулоғимизга чалинади. Ҳа, нафақат ўғил-қизларини, набираларини-да кўтариб катта қилган, опичлаб улғайтирган бакувват қўллар, тик қоматлар, ўткир нигоҳлар ҳаёт силсиласида толиқиб, эгилиб, нурсизланиб боради. Яқинлари эътиборига, қаровига муҳтож бўлиб боради.

Ривоят қилишларича, заковатда тенгсиз донишманднинг олдига бир инсон келиб, сўрабди:

– Эй, аҳли дониш, бир савол юзасидан узоқ йўл босиб ҳузурингизга келдим. Марҳаматингизни дариг тутмай ҳожатимни раво қилсангиз.

– Сизни қийнаётган қандай савол экан, айтинг.

– Зоти паст, деб қандай авлодларга айтилади? Биз бу борада дўстлар билан кўп баҳслашдик. Кимдир ўғри-муттаҳамлар зоти паст деса, кимдир зинога берилган ахлоқсиз ва беҳаёллар авлоди ҳамisha паст бўлиб келган, деди. Яна кимдир бола-чақасини қашшоқлик ва муҳтожликка ташлаб қўйган дангаса ва танбаллар зоти паст ҳисобланади, деб сўзида туриб олди. Хуллас, бу саволга сиздан жўяли жавоб излаб келдим.

Донишманд бир оз ўйланиб турибди-да, жавобини баён қилибди:

– Қайси йўлдан келган бўлсангиз, шу йўлдан ортингизга қайтинг. Саволингизга жавоб йўл юзасида турибди.

Ушбу жавобдан бир оз таажжубланган инсон раҳмат айтиб, ортига қайтибди ва кўп ўтмай, йўл четиди қўш кабутардек бир-бирига суюниб тош устида ўтирган чол-кампирага дуч келибди. Улардан ҳол-аҳвол сўрабди.

– Э-э болам, бевафо дунё деганлари шу экан, – нурсиз қароғлари ёшга тўлиб, қўксини эзиб турган дардини юзага чиқарибди чол. – Бир этак фарзанд кўрдик. Емай-едириб, киймай-кийдириб улғайтирдик, уйли-жойли қилдик. Бунинг эвазига қаровсиз ҳолда кўчада қолдик. Ўғил-қизларинг меҳрсиз бўлса, кийин экан.

Барчани қийнаган баҳслашувга жавоб излаган инсоннинг фикри тиниқлашибди: «Отаноси ва яқинларига меҳрсиз, оқибатсиз авлодлар зоти паст, деб айтилар экан-да». У донишманднинг донолигига тан бериб, жавоб топганидан хурсанд бўлиб, чол-кампири парваришlash учун ўзи билан олиб кетибди.

Қиссадан ҳисса шуки, бу борада меҳр-оқибатни қадрият даражасига қўтарган миллатимизга, авлодларимизга барча ҳавас қилса арзийди. Қадрли айём сифатида эътироф топган Хотира ва Қадрлаш куни ҳам фикримиз далилидир. Боболаримиз жасорати жо бўлган Ғалабанинг 75 йиллиги, хотира, қадр, меҳр ва оқибат айёми барчага муборак бўлсин, азизлар!

**Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»**

СИЁСИЙ ШАРҲ

ТАРИХНИНГ КУЧЛИ КОАЛИЦИЯЛАРИ

Урушларда ҳарбий-сиёсий иттифоқлар ёки коалициялар катта роль ўйнади. Аслида ҳарбий-сиёсий блок – иттифоқ (коалиция) ёки давлатлар келишуви умумий сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва бошқа мақсадларни ечиш йўлида қўшма ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида тузилган.

Ҳали давлатлар тузилмасидан илгари алоҳида қабилалар, халқлар, элатлар ихтиёрий ёки мажбурий асосда бирлашма (блок, коалиция)лар тузишган. Ҳаётда уларнинг бош мақсади қўшилари устидан ғалаба қозонишни таъминлаш учун моддий воситалар ва одамлар сонининг устунлигига эришиш бўлган. Кейинроқ ҳарбий-сиёсий блок айрим кучлар томонидан умумий душманга қарши коллектив ҳужум ёки муҳофаза мақсадида ташкил этилган бир неча давлатларнинг иттифоқи деб таърифланди, душман ёки рақиб ўз хатти-ҳаракати ва ўзини тутиши орқали у ёки бу масалада ўша давлатларни ҳавотирга солган тараф. Ҳарбий-сиёсий коалициялар тузиш учун уруш юз бериши шарт эмас. Иттифоқлар тинч вақтларда ҳам тузилаверган. Илк давлатлар ташкил толган қадимдан то ҳозирги кунгача юзлаб коалициялар ташкил топган.

Ҳижрий 700, милодий 1301 йилда Бурса, Кета ва Кестал шаҳарларида Европанинг бир неча давлати вакиллари билан иборат салбчилар Усманийларга қарши жанг қилиш учун коалиция ташкил қилинади. Бу коалиция остида бирлашган салбчиларга қарши жанг қилган Усмонғозий жангларда бевосита ўзи иштирок этиб, салбчи қўшинларни тор-мор этади. Унинг бу жангларда кўрсатган жасорат ва қаҳрамонликлари Усманийлар ўртасида зарбулмасалга айланади. 1525 йилда Усманийлар ва Франция коалицияси тузилганлигини ҳам эслатиб ўтишимиз керак. Гап шундаки, тахтга ўтирган кундан буён бир неча ой ўтиб-ўтмай ёш халифа Сулаймон Кануний курраи замандаги энг буюк ҳукмдорга айланишга улгурди. Испанларга асирга тушган Франция қироли Франциск биринчи мусулмонлар халифасидан нажот кутиб, юртини испан босқинчиларидан халос қилишни ўтиниб сўради. Қиролнинг илтимосига жавобан Усманийлар ҳарбий денгиз кучлари Франция учун Ницца шаҳри ва Корсика оролини испанлардан тозалаш берди. Натижада Испанияга қарши ниҳоятда қудратли усмоний – француз ҳарбий иттифоқи вужудга келди, французларнинг ҳарбий денгиз флоти ушбу операция манфаатларида Франциянинг Тулон шаҳрида жойлаштирилган исломий флотнинг бош қўмондони Хайридин Барбароссага бўйсундирилди.

«МУҚАДДАС ЛИГА» КОАЛИЦИЯСИ

Усманийларга қарши Папа Иннокентий талаби билан дунёдаги кучли христиан давлатлари бирлашиб, жанг бошлайдилар. Бу иттифоқчилар қўшини «Муқаддас Лига» деб аталган. Бу коалицияга Реч Посполита, Рим Империяси (ҳозирги Италия) ва Венеция Республикаси кирган. Кейинчалик 1686 йилда бу иттифоққа Россия ҳам қўшилади. Мазкур ҳарбий иттифоқ 1699 йилгача давом этади. 1691 йилда «Муқаддас Лига» қўшинлари турклар армиясини мағлубиятга учратади. Бундан кейинги жангларда ҳам Усманийлар билан салб коалицияси ўртасида тўқнашувлар юз беради. 1699 йилда Усманийлар билан «Муқаддас Лига» вакиллари ўртасида «Карловицкий Тинчлик шартномаси» имзоланади. Бунга кўра, Венгрия ва унга яқин ҳудудлар Австрия Империясига берилади. Польша ҳам аввалроқ ўз назоратидан чиқарган ҳудудларни, ғарбий Украинани қайта эгаллаб олади. Венеция Республикасига ҳам ўзи истаган ҳудудлар берилиб, Турклар билан урушмаслик битими тузилади. Бу битим Усманийларнинг ўз ожизлигини расман тан олиши эди.

ЖАҲОН УРУШЛАРИДАГИ КОАЛИЦИЯЛАР

1933 йилда немис ҳокимияти тепасига Гитлер бошчилигидаги фашистлар келди. Уларнинг илк иши Миллатлар Лигасини тарқ этиш бўлди. Монархиясиз, дохийлик ва реваншизмга асосланган Германия империясини тиклаш сари йўл олинди. Европани қайтадан тақсимлаш, Миллатлар Лигасини ташкил этиш билан ўрнатилган дунё тартиботини йўқ қилиш, Европадаги барча немис тили ҳудудлар (Австрия, Судет, Эльзас ва Лотарингия,

Инсоният ва урушлар

Урушлар сони – 15 000 дан ортиқ (5 700 таси катта)

қурбонлар: 3,5 млрд

Инсоният тинч яшаган мuddат – 292 йил

Энг кўп давом этган – 1337–1453 йиллар. Англия ва Франция уруши

қурбонлар: бир неча 100 000

Энг қисқа уруш – 1896 йил. 27 август, Англия ва Занзибар ўртасида

қурбонлар: тахминан 570

38 дақиқа давом этган

Энг кўп қирғин келтирган – 1939–1945 йиллар. Иккинчи жаҳон уруши

қурбонлар: 50 – 80 млн

Силезия ва собиқ Пруссия)ни Германияга бирлаштириш, истиқболда Европа китъасининг катта қисмини эгаллаш Гитлернинг биринчи даражали режаси эди. Бу йўлда Германия, Италия ва Япония иштирокида Гитлерчилар коалицияси тузилди. 1940 йилнинг 27 сентябрида ушбу давлатлар ўзаро ҳарбий ёрдам кўрсатиш ва таъсир доирасини бўлиб олиш тўғрисидаги Уч томонлама пакт имзоланди. Кейинчалик бу пактга Венгрия, Руминия, Болгария ва Таиланд, шунингдек, Германия ва Япония томонидан ташкил этилган кўғирчоқ давлатлар ҳам қўшилди.

Бунга жавобан антигитлер коалицияси ёки Иккинчи жаҳон урушидаги иттифоқчилар юзга келди. Уруш йилларида АҚШ Президенти Франклин Рузвельт томонидан таклиф этилган ва 1942 йилда Бирлашган Миллатлар декларациясида учрайдиган «Бирлашган миллатлар» ибораси аксилгитлер коалициясининг синонимига айланади. Коалициянинг ҳарбий ва урушдан кейинги дунё тартиботига таъсири жуда катта бўлди, унинг асосида БМТ тузилди. 1939 йил сентябридан Польша, Франция, Буюк Британия, 1941 йил 22 июндан Совет Иттифоқи ҳам коалиция таркибига қўшилди. Япониянинг

1941 йил 7 декабрда АҚШга ҳужуми натижасида Қўшма Штатлар ва Хитой (Япония 1931 йил Хитойга бостириб кирган) антигитлер коалиция таркибидан ўрин олди. 1942 йил январда фашизмга қарши коалиция аъзолари 26 та эди: Катта Тўртлик (СССР, Буюк Британия, АҚШ, Хитой), Британияга қарам давлатлар (Австралия, Канада, Янги Зеландия, Жанубий Африка) ва мустамлакалар: Ҳиндистон, Марказий ва Лотин Америкаси, Кариб ҳавзаси давлатлари, шунингдек, Европадаги қувинган учраган ҳукуматлар. Япония билан ҳарбий ҳаракатлар якунлангунига қадар фашистларга қарши блокка 53 давлат бирлашди.

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИ

АҚШнинг ўша пайтда Совет Иттифоқига муносабатини мамлакатнинг бўлғуси президенти, сенатор Гарри Трумэннинг «New York Times» газетасига 1941 йил 24 июнда берган интервьюси орқали билиш мумкин: «Агар Германия ғалаба қилаётганини кўрсак, биз Россияга ёрдам қилганимиз маъқул, агар Россиянинг қўли баланд келса, Германияга кўмак кўрсатишимиз керак, бу билан улар бир-бирини имкони борича кўпроқ ўлдирсинлар...» Иккинчи жаҳон уруши тугагач, унинг ғолибларидан бири сифатида нафақат ғарбий яримшар, балки дунёнинг энг қудратли давлатига айланган АҚШ ўз ҳарбийлари Европада мўжиза ўрнашиб қолишини мақсад қилиб, бир неча давлатларда ўз ҳарбий базаларини очди. АҚШ Европадаги санокли ҳарбий базалар ёрдамида СССРнинг «социализм балосига» қарши туриб бўлмаслигини тушуниб етати ва Европа мамлакатлари билан ҳарбий блок тузиш режасини ўйлай бошлади. Олиб борилган муваффақиятли музокаралар натижасида 1949 йил 4 апрель куни АҚШ, Канада ва Европанинг 10 та давлати томонидан НАТО (North Atlantic Treaty Organization – Шимолий Атлантика ҳарбий иттифоқи) тузилгани эълон қилинади.

1954 йил СССР ҳам НАТО билан ҳамкорлик қилиш учун ташкилотга мурожаат қилади, аммо ташкилот моҳияти коммунизм шарпасига қарши бўлгани учун бу таклиф аъзо давлатлар томонидан рад этилади. 1955 йил СССР ва унинг Шарқий Европадаги иттифоқдошлари НАТОга қарши Варшава Шартномаси Ташкилотини тузишди (1955 йил 14 май куни Варшавада Албания, Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Руминия, Чехословакия ва СССР томонидан «Варшава шартномаси» имзоланади) ва СССР Шарқий Европадаги ўзи иттифоқчилари ҳудудида ҳарбий базалар қуришни бошлади. Варшава шартномаси ўз уставида БМТ Уставининг 51-моддасига мувофиқ, яқна ва жамоа бўлиб, ўз-ўзини ҳимоя этиш тўғрисидаги қондага асосланиб, Варшава шартномасига аъзо давлатлар ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам кўрсатишни кўзда тутган бўлса-да, аслида социалистик тузумга хизмат қилди, халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаш тўғрисидаги халқаро ҳуқуқ қоидаларини кўпол равишда бузди. Бу Венгрия (1956 й.), Чехословакиядаги (1968 й.) қонли воқеаларда кўзга яққол ташланди. Шу билан бир қаторда Варшава шартномасига «аъзо давлатлар тенг ҳуқуқли бўлиб, бир-бирларнинг ички ишларига муносабат аралашмайди», деган қоидага ҳам риоя этилмади. 1991 йил. 1 июлда Варшава шартномасига аъзо давлатлар – Болгария, Венгрия, Польша, Руминия, СССР, Чехословакия (шартномадан 1968 й. – Албания, 1990 й. – ГДР чиққан эди) иштирокида Прага шаҳрида Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгашида Варшава шартномасини тугатиш ҳақидаги баённома имзоланди ва ташкилот тугатилди.

НАТОнинг кенгайиш тарихига қарасак, унга 1955 йилдан 1999 йилгача биргина Испания (1982 йилда) аъзо бўлганини кўрамайз. 1991 йил СССР парчалангач, Шарқий Европадаги кўплаб мамлакатлар социалистик тузумдан воз кечиб, Ғарбга юзланишди. Чехословакиянинг иккига бўлиниши, Югославия таркибидagi иттифоқдош республикалар ўз мустақиллигини эълон қилиши ортидан Европада бир неча мустақил давлат пайдо бўлди. Уларга СССР таркибидан ажралиб чиққан Болтиқбўйи давлатлари қўшилди ва барчаси НАТОга кириш учун навбати билан мурожаат қилади. 1999 йил альянсга Венгрия, Чехия, Польша, 2004 йил Болгария, Латвия, Литва, Руминия, Словакия, Словения ва Эстония, 2009 йил Албания ва Хорватия, 2017 йил Черногория, ниҳоят 2020 йил Шимолий Македония 30-аъзо бўлиб қабул қилинади.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи

УНУТМАНГ, МИЛЛАТ ШАЪНИ – МУҚАДДАС!

СИЗ ҶИЗИ ҶЗБЕКМИСИЗ ҶКИ?..

Балетдан чиққан бир томошабиндан мухбир интервью оляпти:

– Таассуротларингиз?..
– Жуда ажойиб, агар Алишер Навоий бобомиз тирик бўлганида шундай шоҳона бино ўзининг номига қўйилганлигидан, балетдек гўзал санъатнинг жозибасидан фахрланган бўларди, – деди томошабин.

– Навоий бобомиз ўзбеклигини биламиз, аммо унинг дини-чи? – сўради мухбир.

– Диннинг балетга нима алоқаси бор? – ажабланда томошабин. – Уни ҳамма севиб томоша қилади. Мана мен мусулмонман, намоз ўқийман, рўза тутаман, балетга ҳам кираман, нимаси ёмон?.. Керак бўлса, эртага Ҳажга ҳам бораман. Нима, тўйларда ва давраларда рақсга тушиб қўшиқ айтаётган халқ артистлари Умрага бориб келаётганлигидан хабарингиз йўқми?

– Сизнингча, Навоий бобомиз тирик бўлганида худди шундай ҳаётга рози бўлармиди? – савол берди мухбир.

– Ҳар қандай ҳаётга мослашиб яшаманг инсон инсонмас, миллат миллатмас.

– Сиз ўзи ўзбекмисиз?..
– Худого шукр, Темур бобонинг авлодиданман...

Бир куни 5-6 киши «Zo'rtV» телеканалига миллий маънавиятдан маъруза қилгани бордик. Орамизда лаби-ю қош-кўзлари бутунлай бўялган, ясама киприklar уланган, сочлари-ю юзига жило берилган, энг сўнги урфда кийинган, тўладан келган 70 ёшлардаги профессор аёл ҳам бор эди. У биринчи бўлиб сўз олар экан, ижодий жамоага қарата шундай деди:

– Встаёт, мирно! Вы молодцы, так держатъ! Ҳақиқий зўрсизлар, ҳаммадан зўрсизлар!

Шундан сўнг у оғзи тўлиб Бухорийлар, Замахшарийлар, Навоийлар номи тилга олгач, «Я вас люблю», деб сўзини тугатди.

Мен ўрнимдан туриб, микрофонни олиб: «Бу маънавият эмас!» дейишми биламан, у қўлдан микрофонни тортиб олмоқчи бўлди. Бермаган эдим, ҳамманинг кўз олдига русчалаб гудранганча залдан чиқиб кетди.

Аслида бу аёлнинг миллати ўзбек. Афсуски, бундай миллий маънавиятчилар жуда кўпайиб кетди. Азизлар, ҳатто мустамлака ва қарам бўлган пайтимизда ҳам бундай мунофиқ маънавиятчилар йўқ эди. Ҳўш, миллий маънавиятимизни мунофиқлаштириб, нимага эришамиз?! Агар маънавият, миллий ғоя ва мафкура соҳаларидаги лоқайдликнинг олди олинмаса, ўзбегимизнинг ўзлигини йўқотиши тезлашиб бораверади. Қаерда бўлманг, маънавият ва ақл-идрокдан йироқ, фикрлаш ва мулоҳаза юритиш қобилиятига эга бўлмаган, саводи ҳаминқадар маърузачиларга дуч келасиз. Ҳаётда ва юриш-туришда ғарблашиб ёки бегоналашиб кетган манқуртлар қандай қилиб миллат фидойиларини тарбиялашлари мумкин?! Тезроқ бунинг олди олинмас, эртага кеч бўлади.

Ҳадеб Имом Бухорий номи таскорлаш билан ул зотининг руҳи шод бўлиб қолмайди. Билиб кўйинг, улуғ бобомизнинг руҳи тириклар атрофида кезиб юради. Шундай экан, унинг айтганларига тирикликмизда амал қилайлик. Аксинча, ҳозир арокхўрлару порахўр ҳам, ўғри-ю фитначи ҳам, имонсизу диёнатсиз ҳам, мунофику муттаҳам ҳам Имом Бухорий номи тилга олиш билан унинг руҳини шод қилмоқчи бўляпти. Мунофиқнинг тилаги-ю дуоси қабул бўлмайди.

Имом Бухорий бобомизга тез-тез зиёратга бориб тураман. Бир борганимда кириш учун янги тартиб жорий этилибди. Аёллар ва бўй этган қизлар бошланг, яъни рўмолсиз киритилмайдиган бўлибди. Шу ерда дўкон очилиб, прокатга рўмол ёки хижоб бериладиган бўлибди. Яхши тартиб. Ўтиб бораётсам, Тошкентдан борган бир гуруҳ қизлар постда турган ички ишлар ходими билан жанжаллашяпти. Нима гап десам, ички ишлар ходими: «Булган бошланг ўтамиз, деб қайсарлик

қилишяпти», деди.

– Қизлар, мусулмонмисизлар? – сўрадим.

– Мусулмонмиз, – дейишди улар.

– Ўзбекмисизлар ўзи?

– Ўзбекмиз.

– Пулинглар бўлмаса, прокатга рўмол олиш учун пул берай, – дедим.

– Пулимиз бор, бироқ эркимиз ўзимизда, бошланг киришга ҳаққимиз бор, – дейишди улар.

– Ҳаққингларни бошқа жойда талаб қилинглар, бу ер зиёратгоҳ, рўмол ўраб кирсанглар, савоб бўлади, – дедим.

Улар менинг насиҳатимга ҳам парво қилишмади. Зиёрат қилиб қайтиб чиқаётганимда улар ҳамон ички ишлар ходимидан ўз ҳақларини талаб қилиб туришганди.

Ўзбекистонда ва унинг ташқарисида Имом Бухорий билан фахрланмаган ўзбекни топа олмайсиз. Кўпларга ҳадис илим султониинг номи керак. Чунки улар ҳаётда, юриш-туришда ва тарбияда мутлақ эркинлик истайди. Кўнгил хоҳишига қараб яшаш – улар учун қонуният. Аслида эса ҳадислар миллий маънавиятнинг асл моҳиятини ифодалайди. Бир қолигдаги сийқа сўзлардан иборат режаларни ҳар илми қайта-қайта кўчириб, ижрога саводсиз олимлар, яллагчи отарчилар, маддоҳ шоирлар, мунофиқ журналистлар, манқурт ўзбекларни жалб этгандан кўра, ҳадисларни ўқитиш ва ҳаётда уларга амал қилиш минг қарра афзал.

Тўғриси, ҳадис илимининг султониини зиёрат қилиш учун ўрнатилган бундай тартибни ҳурмат қилмайдиганларни ўзбек қизлари ёки мусулмон дейишга тил бормади. Афсуски, неча-неча асрлардан буён ҳар куни минглаб одам зиёрат қиладиган Зангиотадек авлиёга келаётган аёллар ва қизларнинг ярмидан кўпи мусулмонга хос кийинишда тартиб-қоидага амал қилмайди. Аслида бутун мусулмон оламида машҳур бўлган авлиёларимиз ва бошқа улуғларимизни зиёрат қилишда ҳам Имом Бухорий зиёратгоҳидаги каби тартиб-қоида йўратилиши керак. Мен сиёсий шарҳловчи сифатида Ғарб дунёсининг аёл давлат, сиёсат ва жамоат арбоблари ҳали бирон марта Эронга рўмолсиз ёки хижобсиз борганларини эслай олмаيمان. Биз ҳеч бўлмаса ўз авлиёларимизнинг ва ўтган улуғларимизнинг ҳурматиини ҳамда қадрини жоийга қўйиб, уларнинг руҳини шод этайлик. Авлиёси азиз урннг нодонлик ва нодонларнинг ўзбекка хос бўлмаган хатти-ҳаракатлари ярашмайди.

Чамамда, ўзбекка хос бўлмаган бошқа хатти-ҳаракатларимизнинг йўналишлари ҳам ўзгариб борапти. Уларнинг саногии кўп. Айримларини айтмасам бўлмайди. Мустамлака ва қарам пайтимизда маънавият ҳақида ҳадеб гапиравермас ва ёзавермас эдик. Бироқ миллий маънавиятимиз юксак даражада эди. Кундалик турмуш тарзимиздан то киноларимизгача, ҳазил-ҳузуддан то жиддий гапларимизгача, бир-биримизга меҳр-оқибатимиздан то ҳайр-саховатимизгача, дастурхон тузатишимиздан то кийинишимизгача, «Оталар сўзи...»дан то «қайнона ҳам она» деб ёзишимизгача, тўйда бел боғлаб хизмат қилишдан то ота-она дуосини олишимизгача ўзбек эдик. Ҳозир эса кундалик ҳаётда ғарбликларга тақлид қилишдан то турк сериалларини «мириқиб» кўришгача, Ғарб санъатига ошиқ бўлишдан то маймунсифатлиларга ўхшаб сакрашгача, фитначиликдан то ҳасадгўйликкача, мунофиқликдан то маддоҳликкача, енгсиз, этаксиз, кўкраги очиқ қўйлак кийишдан то эркакнинг шимини кийишгача, кўрпачани тарк этишдан то вилкасиз овқат емасликкача, қайнонанинг «қаҳри»ни қоралашдан то эрининг бўйнига бўйинтуруқ солишгача, тенгхўқуқликдан то матриархатликкача, бойнинг қизига уйланишдан то мансабдорнинг этагини тутишгача, миллати ва дини бетайинларнинг «тажриба»сини ўзлаштириб борапмиз. Бу аҳволда яқин орада «Сиз ўзи ўзбекмисиз?» дея бир-биримизга савол беришга ҳожат қолмайди. Яқин ўтмишда йигитларимиз чет элдан келин олиб келишган бўлса, энди ўзбек қизлари дунё бўйлаб эр излаб, парвоз қилишяпти. Биргина менинг ўзбек танишларим бугунги кунда ўзларининг япон, корей, хитой, рус, инглиз, итальян, испан, негр, немис, венгер, хинд, хорват қувёла-

ри билан фахрланишяпти. Майли, қизимиз ўзга юртларда ўз эрлари ва ўз фарзандлари билан бирга бутунлай яшаб қолиб кетаверишсин, бизга тўқ ва тинч бўлишса бўлгани, дейишяпти уларнинг ота-оналари. Хуллас, орамизда миллат ва дин билан фахрланадиганлар кўпайиб борапти. Бундайларга миллий маънавият ҳақида гапирсангиз, устингиздан кулишади.

Менимча, жажонда русларчалик ўзлигини ҳимоя қиладиган миллат бўлмаса керак. Россияда 200 га яқин миллат ва элатлар яшайди. Бироқ оммавий ахборот воситаларида русларнинг шаъни, миллий урф-одатлари, қадриятлари, дини, тили, ҳаёт тарзи, ўтмиши ва бугуни, буюклиги, улуғланмаган, мадҳ этилмаган, ҳаётий мисолларда асосланмаган бирорта ҳам кўрсатув йўқ, эшиттириш, мақола, мадҳия, марсия, хикоя ёки репортаж топа олмайсиз. Ҳатто, Ўзбекистонда туғилганларига ҳам ўзбекча гапирсангиз ёқмайсиз.

Тўғри, бу баъзан миллатчиликка ўхшаб кетади. Бироқ ҳар қандай миллат вакили ўзини ва ўзлигини қатъият билан ҳимоя қилмаса, бошқалар билан қоришиб кетиб, асл қиёфасини йўқотади. Бунга тарихдан мисоллар кўп. Бир пайтлар Қрим хонлиги ўз атрофидаги давлатларни зир титратган бўлса, бугун ўша худудда бор-йўғи 330 минг нафар қрим-татар яшаяпти. Бироқ чеченлар кўп асрлардан бери босқинчиларга таслим бўлмай, ҳар қандай қирғинборотда ҳам ўзлигини айрилмай келаёттир. Улар ҳеч қачон ўз миллий маънавиятлари ва урф-одатларини бой бермай келаётганликларининг ўзи у миллатнинг миллий, диний ва тарихий жасоратииндир.

Дунё халқларини қузатар эканман, асрлар, минг йиллар мобайнида юриш-туришда, кийинишда, ташқи қиёфа ва ички маданиятда ўзларининг миллий урф-одатларига қатъий амал қилиб келаётган араб, форс, хинд, пуштун, урду, қора қитъадаги кўплаб халқларга қойил қоламан. Бизда эса кейинги 25-30 йилда Тошкент ва бошқа катта шаҳарлардаги аёлларнинг 80-90 фоизи ғарблашиб, яъни европалашиб бўлди. Шунинг учун бўлса керак, даярли барча телеканаллар ўзбек аёли деганда фақат Тўти Юсупова тимсолини англайдиган бўлиб қолишди. Шундай тимсолларни қишлоқлардан ҳам топса бўлади. Бунинг учун тележурналистларда онг ва тушунча бўлиши керак. Демак, бизда ўзлигини йўқотаётган эркаклар ҳам оз эмас. Ахир, Ғарбнинг турмуш тарзини танлаган ўзбек аёли нафақат қизларини, балки ўғилларини ҳам ўзгалар ҳаётига тақлид қилиб, ўз миллатдошларининг «қолоқликларидан»дан ор қиладиган руҳда тарбиялайди-да!.. Бундайлар вақти келиб Алишер Навоий ўзбек эмас, деб даъво қилишса, ажабланманг. Эсимда бор, мен 1991 йилда Ўзбекистон радиоси бош директорининг ўринбосари этиб тайинланганимда «Тошкент» радиоканали тахририятининг бош муҳаррири, бошлиқ ва бир гуруҳ ғарблашган ҳамкасбларим «дўппи киядиган қишлоқи бизга раҳбарлик қилмасин», деб норозилик билдирган эди.

Ишқилиб, бундан бундан энди: «Сиз ўзи ўзбекмисиз ёки?..» деб бир-биримиздан шубҳа қилавермасак бўлгани. Бироқ орамизда дўппи ва рўмолни ечмай, имон-этиқод ва садоқатдан воз кечмай, миллий анъана ва қадриятларни авайлаб, асраб, аввало, Яратгандан, қолаверса, ўтган улуғларнинг ҳикматларидан мадад олиб, ўзларининг ўзбеклиги учун курашадиганлар ҳали оз эмас. Ана ўшаларга омонлик бўлсин!

Иброҳим НОРМАТОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Бир ҳовуч дур

МАЗАЛИ ТАОМ

Бир киши қаттиқ нонни сувга ивитиб, еб ўтирган файласуфни кўриб, хайрон қолибди:
 – Қаттиқ нонни ҳам маза қилиб ейиш мумкин эканми? – дебди.
 – Албатта. Мен қаттиқ нон ҳам мазали бўлиб туюлгунга қадар нафсимни тияман.

ЭР-ХОТИН ШИКОЯТИ

Аёл эрига деди:
 – Бир китобда оила мустақамлигининг сабаблари ҳақида ўқидим. Ёзилганларга кўра, бир-биримиздан норози жиҳатларимизни қоғозга ёзиб, бирга ўқисак, ўзимизни ислоҳ қилсак.

Эр рози бўлибди. Эртаси куни нонушадан сўнг ёзганларини ўқимоқчи бўлишибди. Эр хотинига:

– Олдин сен ўқи, – дебди. Аёл кўлидаги уч варақ қоғозни ўқибди, эркак жимгина уни тинглабди.

– Энди сиз ҳам шикоятларингизни ўқинг, – илтимос қилибди аёл.
 – Менда эса биргина варақ. Унга ҳам ҳеч нарса ёзолмадим. Чунки сен – орзуимдаги рафиқасан...

Эрининг бу гапидан аёл йиғлаб юборибди.

МУНОСАБАТ

Бир йигит чопонининг этаклари билан этигини яхшилаб артди. Буни кўриб турган кекса киши:
 – Этикни ўз пулига сотиб олган, чопон эса дадасининг пулига келган, – деди.

ШУНИСИ АФЗАЛ

Қози одамларга қарзини тўламай юрган бир кишини чой ичиш баҳонасида уйига чақиртириб, қарздорнинг эшик олдида боғлаб қўйилган отини соттирибди. Пулини қарз соҳибларига бериб, ҳалиги кишига дебди:
 – Пиёда юрмоқ бўйинда қарз билан от мингандан шарафлироқдир.

ЕНГИЛ ЮК

Кичик бола нон дўкони сотувчисига:
 – Амаки, йигирма тийинлик нон тортиб беринг, – дебди. Бола тортиб берилган ноннинг камлигини сезиб, сотувчига:

– Амаки, берган нонингиз кам-ку! – дебди.
 – Қандай тирмизак боласан? Олиб кетавер, юкинг энгил бўлади, – деб дўқ урибди сотувчи. Бола нон учун беш тийин кам тўлаб, чиқаётганида:
 – Ҳой ноинсоф, пулинг кам-ку! – бақирибди киши.
 – Амаки, бунча бақирасиз? Берган пулимни олиб қолаверинг. Гуноҳингиз энгил бўлади, – дея дўқондан чиқиб кетибди.

«Ривоятлар бўстони» китобидан олинди.

БИЗ ЯШАЁТГАН ДУНЁ

АРМИЯСИ ЙЎҚ ДАВЛАТЛАР

Сайёраимизда 250 дан ортиқ мамлакатлар мавжуд. Улар алоҳида давлат сифатида шаклланиши учун ўзининг расмий номи, давлат рамзлари, сиёсий тизим ва ижтимоий инфратузилмасига эга бўлиши талаб этилади. Бундан ташқари, ҳар қандай мамлакат ўзини ташқи ва ички душмандан ҳимоя қилиши учун муҳофаа тизими, Қуролли Кучлари, умуман, ҳарбий тузилмага эҳтиёж сезади. Лекин замонамизда шундай мамлакатлар ҳам борки, улар мустақилликка эришган, муайян ҳудудий чегараларга эга, аммо қуролли кучлари, яъни армияси мутлақо мавжуд эмас. Шундай бўлиши мумкинми? Муҳофаа тизимига эга бўлмаган мамлакат ўзи ва халқини қандай ҳимоя қилади? Билишни истайсизми, унда мутлоада давом этинг.



қайтади. Давлат тузилмасидан ташқари, айрим ўқотар қуроллар мамлакат фуқароларида ҳам мавжуд.

Гаити



Гаитининг ҳам ўз армияси мавжуд эмас, дейиш мумкин. 1994 йилда «Демократияни қўллаб-қувватлаш» операцияси доирасида АҚШнинг мамлакатга кириб бориши оқибатида Гаити Қуролли Кучлари тарқатиб юборилган. Кейинчалик мамлакатда БМТнинг тинчликпарвар кучлари жойлаштирилган. Ички тартибни сақлаш учун эса Миллий полиция тузилган.

Гаити Франциядан ўз мустақиллигини 1804 йилда қўлга кўриган ва Америка қитъасидаги иккинчи (АҚШдан кейин) мустақил мамлакатга айланган. Лекин давлат бошқарувчиси қора танли бўлган биринчи мамлакат саналади.

Айни вақтда ҳукуматга қарашли ҳарбий тузилмага Гаити Миллий полицияси ҳамда Соҳил кўриқчилари киради. Ушбу тузилмаларга Гаитида тартиб ва хавфсизликни таъминлаш вазифаси юклатилган. Гаити полицияси пистолет, пистолет-пулемёт, автомат, пулемётлар билан қуролланган. Полиция таркибидаги Американинг SWAT (Special Weapons And Tactics – Махсус Қурол Ва Тактика) бўлинмалари каби гуруҳлар ҳам фаолият юритади. Гаити Соҳил кўриқчилари эса Миллий полицияга бўйсунган ҳолда ҳаракатланади. Улар Гаити ҳудудидаги сувли жойлар хавфсизлигини таъминлайди ҳамда қидирув-қутқарув операцияларини амалга оширади.

Булар расман ўз Қуролли Кучларига эга бўлмаган давлатларнинг ҳаммаси эмас. Аслида сайёраимизда 20 га яқин давлатларнинг умуман армияси йўқ. Бу мавзуга ҳали яна қайтамыз.

Хулоса қилиб айтганда, аксарият ҳолларда ҳудуди кичик, аҳоли сони кам ёки бутунлай орол давлат саналган мамлакатларгина армиясиз. Балки уларда бунга ҳолат ҳам йўқдир. Чунки бу турдаги давлатларнинг муҳофаасини кўпинча бошқа йирик давлатлар ёки халқро ҳарбий бирлашмалар таъминлаб беради. Аслида эса юртни ҳимоя қилиш, она Ватан тупроғига ёвнинг қадамини теккизма, унга қарши туриш ҳар бир эр йигитнинг шарофли бурчидир.

Мухторбек АБУЛЛАЕВ,
журналист

Япония



Ўзининг Қуролли Кучларига эга бўлмаган давлатлар орасида энг таниқлиси бу – Япония. Ҳа, Япония ХХ асрнинг биринчи ярмида ўзининг ҳарбий кучлари билан, дейиш мумкин. Бу мамлакат Конституциясининг 9-моддасида ҳам белгилаб қўйилган: «Адолат ва тартиб асосида халқро майдонга кириб боришга интилаётган япон халқи миллатнинг суверен ҳуқуқи сифатида урушлардан, шунингдек, халқро низоларни ҳал қилиш воситаси бўлган таҳдид қилиш ёки Қуролли Кучлардан фойдаланишдан бутунлай воз кечади...» Урушдан кейинги Япония Конституцияси 1947 йилда қабул қилинади ҳамда шу даврга қадар бирор ўзгариш киритилмаган.

Конституцияда Қуролли Кучлардан воз кечилган бўлса-да, Япония ҳарбийларга эга ва улар Муҳофаа кучлари деб аталади. Уларнинг ҳарбий ҳаракатлари фақат муҳофаага қаратилган бўлиб, ҳарбий ваколатлари ўта чегараланган. 2007 йилдан бошлаб ушбу кучларни Япония Муҳофаа вазирлиги бошқариб келади. Фавқулодда вазиятларда Япония Бош вазири парламентнинг розилиги билан Муҳофаа кучларини турли ҳарбий сафарбарликка юбориши мумкин. Муҳофаа кучлари ҳаво, қуруқлик ҳамда денгиз ҳарбийларидан таркиб топган. Ушбу тизимга кўнгилли

фуқаролар жалб этилади, холос.

2014 йилда Япония Бош вазири Синдзо Абэ мамлакат Конституциясининг 9-моддасига янги тўлқин олиб кирувчи резолюцияни имзолади. Ушбу резолюция сабаб Япония Муҳофаа кучлари нафақат мамлакатни ташқи ҳужумлардан ҳимоя қилишда, балки Япония билан яқин алоқа қиладиган бошқа давлатларга ҳарбий ҳужум бўлганида уларга ёрдам бериши мумкин бўлди. 2015 йили Япония парламенти Муҳофаа кучларининг хориздаги ҳарбий ҳаракатларда иштирок этишига рухсат берди. Синдзо Абэ эса 2017 йилда мамлакат конституциясининг 9-моддасини қайта кўриб чиқиш учун 2020 йилгача мuddат қўйган эди. Шу боис Япония Муҳофаа кучлари жорий йилда расмий ҳарбий тизимга айланиши ҳам мумкин.

Маълумотларга қараганда, Япония 2019 йилда Муҳофаа кучларини таъминлаш учун 48,1 миллиард АҚШ доллари миқдорда маблағ сарфлаган. Шунини айтиш керакки, мамлакат бугунги кунда ҳарбий соҳага маблағ ажратиш бўйича дунёда саккинзинчи ўринда туради.

Коста-Рика



Тинч океани билан Кариб денгизини бир нечта давлат бир-биридан ажратиб туради. Улардан бири бўлмиш Коста-Рика ҳам «оқ» давлатлардан саналади. Чунки у Америка қитъасидаги ягона нейтрал мамлакатдир. Коста-Рика 1948 йилдаёқ армия тузишдан мутлақо воз кечган. Ушундан бери полиция мамлакатдаги ягона куч структурасига айланган. Мамлакатда жиноят-

чилик даражаси нисбатан паст бўлиб, Латин Америкасидаги энг хавфсиз давлат ҳисобланади. У ерда ҳам 1949 йилда қабул қилинган Конституция тинч даврда профессионал армия тузиш ва сақлашни тақиқлайди. Қуролли Кучлар ўрнига мамлакатда «Фуқаролик гвардияси» тузилган.

Исландия



Республика ғазнасидан Қуролли Кучлар учун деярли маблағ ажратмайдиган мамлакатлардан бири – Исландия. Мамлакатда бирдан-бир ҳарбийлашган тузилма соҳил кўриқчилари саналади. Исландияда бошқа кўринишдаги ҳарбий кучлар тинчлик даврида мутлақо тузилмайди. Унда мамлакат ўзини ташқи душман кучларидан қандай ҳимоя қилади, деган савол туғилиши табиий. Маълумки, Исландия 1949 йилнинг 4 апрелида кўплаб қаршиликларга қарамай НАТОга аъзо бўлган. Мамлакат пойтахтидан унча узоқ бўлмаган Кеблавик шаҳрида Шимолий Атлантик альянснинг авиабазаси жойлашган. Мазкур база 2006 йилда ўз фаолиятини тўхтатган бўлишига қарамай, унинг инфратузилмаси сақланиб қолган. «Forbes» нашрининг маълумотларига кўра, 2011 йилда Исландияга «тинчликсеварлик» бўйича дунё биринчилиги берилган. Уша йили мамлакатнинг ҳарбий хизматга яроқли аҳоли сони 66 мингдан ортиқ бўлишига қарамай, Соҳил кўриқчилари сони 130 нафарни ташкил этган. Исландия бор-йўғи учта патруль кемаси, битта патруль катери, битта самолёт ва учта вертолётга эга, холос.

Мамлакат ҳарбийлари хоризжий, асосан Норвегиядаги ўқув муассасаларида таҳсил олиб

ХАРБИЙ ТЕХНИКА

ДЕНГИЗ ПИЁДАЛАРИ УЧУН

АҚШнинг FMC фирмаси мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган AAVP-7A1 (аввалги белгиланиши – LVTP-7) русумли гусеничали сузувчи зирхли транспортёр асосан денгиз пиёдалари бўлиналари учун мўлжалланган. Машина экипажи 3 киши – командир, механик-ҳайдовчи ва ўқчи аскардан иборат.



Десант бўлмасига барча зарурий жиҳозлар билан таъминланган 25 нафар денгиз пиёдалари жойлашиши мумкин, улар учун корпуснинг ички қисмида 3 та курси ўрнатилган. Юк ташиш вақтида бу курсилар олиб қўйилади. Десантчилар машина корпусининг орқа қисмидаги аппаратлар орқали ўз ўринларини эгаллашлари ва тарқ этишлари мумкин. Командир ва механик-ҳайдовчининг

иш ўринлари перископик кузатув асбоблари билан жиҳозланган.

Зирхли транспортёрга «Камминз» фирмаси томонидан ишлаб чиқилган, қуввати 400 от кучига тенг бўлган VT400 типидagi 8 цилиндрли V-симон дизель двигатели ўрнатилган. Машинанинг шоссе бўйлаб максимал ҳаракатланиш тезлиги соатига 80 км (сузish вақтида – 12 км)ни ташкил этади. Корпус 30 мм.дан 45 мм.гача бўлган алюмин зирҳдан тайёрланган. Унга қўшимча илма зирҳлар ўрнатиш имконияти ҳам кўзда тутилган. Транспортёрнинг электр гидроузаткич билан жиҳозланган башня қурилмасига 12 мм.ли M2HB пулемёти ва 40 мм.ли автоматик гранатомёт ўрнатилган. Машинанинг жанговар оғирлиги 23 – 28 тонна (комплектланишига боғлиқ равишда), фойдали юкланма оғирлиги 4,5 тонна, узунлиги 8 метр, эни 3,3 метр, баландлиги 3,2 метр, ёқилги бўйича юриш захираси 500 км.

НА ОСНОВЕ СОВРЕМЕННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Экспериментальный беспилотный летательный аппарат (БЛА) «Нейрон» выполнен по схеме «летающее крыло» с использованием технологий малой заметности. Силовая установка аппарата состоит из турбореактивного двигателя «Адур» Mk-951 (максимальная тяга 3000 кг) совместного производства компаний «Роллс-Ройс» и «Турбомека». Внутрифюзеляжный отсек вооружения способен вместить две управляемые авиационные бомбы массой 250 кг.



Первый полет «Нейрона» состоялся на аэродроме летно-испытательного центра фирмы «Дассо авиасьон» 1 декабря 2012 года. На основе этого аппарата, возможно, начнутся работы по созданию серийного ударного БЛА с более мощным двигателем M88 фирмы «Снекма», который может поступить на вооружение стран – участниц программы в 2030 году.

Кроме того, опыт, полученный при разработке и испытаниях экспериментального аппарата «Нейрон», будет использован в совместной франко-британской программе исследований по созданию перспективного ударного БЛА FCAS (Future Combat Air System), стартовавшей в 2014 году. В ней принимают участие следующие фирмы: самолетостроительный «BAE системз» и «Дассо авиасьон», двигателестроительные «Роллс-Ройс» и «Снекма», разработчики бортового оборудования «Селекс» и «Талес». FCAS расценивается как важный шаг для открытия новой программы, в рамках которой планируется создание серийного европейского ударного БЛА. Максимальная взлетная масса «Нейрона» 6 500 кг, максимальная масса полезной нагрузки 300-400 кг, максимальная масса боевой нагрузки 500 кг, масса пустого аппарата 3 650 кг, максимальная скорость полета 980 км/ч, практический потолок 10 600 м, продолжительность полета 3 часа, длина 9,3 м, размах крыла 12,5 м.

МУВАФФАҚИЯТЛИ ОПЕРАЦИЯ



Тана аъзоларини кўчириш бўйича жарроҳлик амалиётини уч йил кутган барселоналик Виктор исми болакайнинг ошқозони, жигари, ўн икки бармоқли ва ингичка ичаги, йўғон ичагининг бир қисми, ошқозон ости бези алмаштирилди. «Eugora Press» наши хабарига кўра, операция Мадриднинг «Hospital La Paz» клиникасида муваффақиятли амалга оширилди. Жуда кам учрайдиган, организмдаги деярли барча ички аъзолар фаолиятига салбий таъсир этувчи хасталик – гастрозлизис тахшиси билан тўғилган бола жарроҳлик амалиётдан сўнг, шифохонадан чиқарилди.

СУРИЯДАГИ ТЕРАКТ ОҚИБАТИДА



Суриянинг Африн шаҳри марказидаги бозор яқинида портловчи модда билан тўлдирилган бензовознинг портлатилиши оқибатида тинч аҳоли орасидан 40 киши ҳалок бўлди, 47 киши жароҳат олди. Бу ҳақда Туркия Мудофаа вазирлиги хабар берди ва теракта курд курулланган тузилмаларини айблади. Суриянинг SANA ахборот агентлигининг хабарига кўра, портлаш оқибатида турк ҳарбийлари ҳам ҳалок бўлган ва яраланган. Турк Курулли Кучлари 2018 йилда Африн устидан назоратни «Зайтун шоҳи» амалиёти давомида ўрнатган.

ОМБОРДА КАТТА ЁНГИН



Жанубий Кореянинг Ичхон шаҳрида қурилиш майдончасидаги омборда юз берган ёнгини оқибатида камида 38 киши ҳалок бўлди ва 10 киши жароҳат олди, дейилади мамлакат ўт ўчириш хизмати маълумотида. 4 қаватли бинода кундузи бошланиб, кечга яқин ўчирилган ёнгини омборнинг ер ости қаватида газ портлаши сабаб бўлгани тахмин қилинмоқда. Ўт ўчириш хизмати маълумотида таъкидланишича, портлашдан кейин одамлар эвакуацияга кўп вақт йўқотган ва тўтун тарқалиши қурбонлар кўплигига сабаб бўлган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ЯНГИ ЖАНГОВАР ФРЕГАТ

2018 йилнинг февраль ойида Корея Республикаси Ҳарбий денгиз кучлари «ДЭУ шипбилдинг» кemasozлик бирлашмаси томонидан Окпо шаҳридаги кemasozлик верфида FFX лойиҳаси бўйича қурилган FFG 818 «Тэгү» русумли янги фрегатни қабул қилиб олди.

Мазкур лойиҳа бўйича қуриладиган жанговар кемаларнинг тўлиқ сув сизими 3 600 тонна ва корпус узунлиги 122 метрни ташкил этади. Бу кемаларга «Хэсон» русумли ракета комплексининг 2 та тўрт контейнерли ишга тушириш қурилмасига қўшимча равишда «Такомиллаштирилган Си Спарроу» типидagi бошқарилувчи зенит ракеталари, «Хонсаю» русумли кемаларга қарши ракеталар (шу жумладан, ердаги нишонларга зарба беришга мўлжалланган вариантдаги) ва «Чхон Рён» типидagi қанотли ракеталарни қўллаш имконини берувчи KVLS типидagi универсал қурилма ўрнатилган. Фрегат ангари KUN-1 «Сурион» типидagi ўртача вертолётни жойлаштириш учун мўлжалланган. Бу типдаги кемалар, шунингдек, SQR-220KA1 типидagi шатакка олинувчи гидроакустика тизими билан жиҳозланган.



Корея Республикаси Ҳарбий денгиз кучлари қўмондонлиги бу типдаги фрегатлардан 8 тасини қуриш, сўнгра эса учинчи сериядаги янада такомиллаштирилган фрегатлар (жами 6 та) қуришни режалаштирган. Бу борадаги тегишли дастур 2026 йилгача яқунланиши кўзда тутилган.

МНОГОФУНКЦИОНАЛЬНЫЙ ВЕРТОЛЁТ

Вертолёт боевого обеспечения EC-725 «Каракал» Военно-воздушных сил Франции разработан объединением «Еврокоптер». Первый полет опытного образца состоялся в ноябре 2000 года, а полномасштабное производство машин началось в 2005-м. Силовая установка машины состоит из двух газотурбинных двигателей (ГДТ) «Макила 2А» взлетной мощностью по 2100 лошадиных сил.



Основные характеристики вертолета: экипаж два человека: длина 19,5 м, длина фюзеляжа 16,8 м, диаметр несущего винта 16,2 м, рулевого винта – 3,15 м, высота 5 м; масса пустого вертолета 5 445 кг, максимальная взлетная масса 11 200 кг, грузоподъемность 5 555 кг; максимальная скорость полета 315 км/ч, крейсерская – 296

км/ч, практическая дальность 1 450 км. Вооружение: два 7,62-мм пулемета, монтируемые в проемах сдвижных окон в передней части фюзеляжа; имеются также автоматы отстрела ракет-ловушек для защиты от зенитных управляемых ракет. В грузовой кабине могут разместиться до 29 десантников. Вертолёт также оборудован лебедкой для подъема на борт пострадавших. Машина может оснащаться системой дозаправки топливом в полете.

П. СОБИТОВ тайёрлади.

ХОРИЖ АРМИЯЛАРИ

ХОРВАТИЯ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ



Болқон яриморалининг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган Хорватия 1991 йилгача собиқ Югославия таркибидаги социалистик республика ҳисобланиб келган. 1991 йил июнида Хорватия мустақиллиги тўғрисидаги декларация қабул қилинганидан сўнг Хорватия Республикаси деб номланган. Мамлакат раҳбарияти мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлабқ миллий армияни шакллантиришга жиддий эътибор қаратган.

Мамлакат армиясининг расман тузилиши санаси 1991 йилнинг 3 ноябри ҳисобланади, зеро, айнан шу кунни 1990 йилнинг апрелида кўнгиллилар отрядлари асосида шакллантирилган мамлакат Миллий гвардияси Хорватия Республикаси Қуролли Кучларига (ҚК) айлантирилган. Собиқ Югославия ҳудудидаги қуролли тўқнашувлар якунига етган вақтда армиянинг умумий сони 190 – 220 минг кишига етган. Ҳозирги даврга келиб Хорватия Қуролли Кучлари Қуруқликдаги қўшинлар, Ҳарбий ҳаво кучлари (таркибига ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ҳам киради) ва Ҳарбий денгиз кучларидан ташкил топган.

Хорватия 2009 йилнинг 1 апрелидан Шимолий Атлантика иттифоқи – НАТО аъзоси ҳисобланади. Шу даврдан бошлаб ҚК сони ҳамда ҳарбий харажатлар миқдори аста-секин камайтириб келинган ва ҳозирги даврга келиб Хорватия армияси шахсий таркибининг умумий сони 18 минг, фуқаро хизматчилар сони 1,5 минг кишидан иборат. Ҳарбий харажатлар миқдори мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 1,23 фоизини ташкил этади, 2024 йилга бориб бу кўрсаткични 2 фоизгача ошириш режалаштирилган. Мамлакат Президентни Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондонлиги ҳисобланади. Мудофаа вазири умумий раҳбарликни, ҚК Бош штаби бошлиғи эса оператив раҳбарликни амалга оширади.

Миллий Қуролли Кучлар шахсий таркибини бутлаш 2008 йилдан бошлаб шартнома асосида олиб борилмоқда. Шартнома мuddати офицерлар учун 5 йил, унтер-офицер ва оддий аскарлар таркиби учун 3 йилни ташкил этади. Шунингдек, ҳарбий хизматга кўнгилли асосда 14 ҳафтагача бўлган мuddатга қабул қилиш ҳам кўзда тутилган. Хорватия ҚКнинг жанговар тайёргарлиги ихтисослаштирилган курсларда, шунингдек, маҳаллий ва хоржий полигонларда олиб бориладиган кўмондонлик-штаб ва умумқўшин машқларида амалга оширилади. Ҳозирги даврда мамлакат ҳарбийлари НАТОнинг Афғонистондаги миссиясида, кўп миллатли кучлар (КФОР) нинг Косоводаги, Европа Иттифоқининг Босния ва Герцеговина ҳамда Африка ҳудудидаги операцияларида, шунингдек, БМТ шафелигида Африка, Яқин Шарқ ва Марказий Осиёдаги миссияларда иштирок этмоқда.

Қуруқликдаги қўшинлар (ҚК)

Мамлакат армиясининг энг кўп сонли тури ҳисобланувчи Қуруқликдаги қўшинлар (13 минг киши) таркибига иккита алоҳида бригада (мотопиёдалар ва механизациялашган), пиёдалар ўқув

полки, артиллерия полки, зенит ракета-артиллерия полки, жанговар ва фронторти таъминоти қисм ва бўлинмалари киради. ҚК га қарашли жанговар техника қуроллар таркибидан 260 та жанговар танк (улардан 70 таси жанговар шай ҳолатда), 250 та зирхли машина (БМП ва БТР), 1 100 дан зиёд артиллерия тўплари ва миномётлар, 200 та бирваракайига ўт очувчи ракета тизими, 500 га яқин танкка қарши ракета комплекслари жой олган. Жорий йил охиригача ҚКга Бундесвер жанговар таркибидан чиқарилган яна 16 та PzH-2000 русумли ўзиюрар гаубица етказиб берилиши режалаштирилган. Шунингдек, жорий йил мобайнида Исроилнинг «Элбит системз» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган UT30МК2 русумли масофадан бошқарилувчи жанговар модуль (8 та) харид қилиниши ва ўрнатилиши кўзда тутилган.

Ҳарбий ҳаво кучлари (ХХК)

Бу турдаги қўшинларнинг умумий сони 2,5 минг кишини ташкил этади. Ташкилий жиҳатдан ХХК таркибига тўртта авиация эскадрильяси (қирувчи, транспорт, ёнғинга қарши, ўқув) ва учта вертолёт эскадрильяси, шунингдек 2 та авиация базаси ҳамда бошқа қисм ва бўлинмалар киради. Жанговар техника таркибидан 12 та МиГ-21 русумли қирувчи самолёт, ёрдамчи авиация самолётлари (30 га яқин), 30 дан ортиқ жанговар вертолёт, шу жумладан АҚШнинг Қуруқликдаги қўшинлари жанговар таркибидан чиқарилган ва Хорватияга етказиб берилган 16 та ОН-58Д «Кайова Уорриор» русумли разведкачи-зарбдор вертолёт эли олган. Мамлакат ҳаво бўшлиғини назорат қилиш воситалари НАТОнинг ҳаво ҳужумидан мудофаа тизимига бирлаштирилган.






Ҳарбий денгиз кучлари (ХДК)

Бу турдаги қўшинларнинг умумий сони ҳам 2,5 минг кишини ташкил этади. Унинг таркибига турли хилдаги кучлар флотилияси, қирғоқни қўриқлаш хизмати, ҳарбий денгиз базаси, денгиз пиёдалари батальони, шунингдек, бир қатор бошқа қисм ва бўлинмалар киради. ХДК ихтиёрида 3 та жанговар кема, RBS-15 русумли кемага қарши ракеталарни ишга тушириш қурилмаларига (12 та) эга бўлган 15 та ракета катери, мина-трал кемаси ҳамда 14 та ёрдамчи кема бор. ХДК қурилиши 2024 йилгача мўлжалланган ривожлантириш дастури асосида олиб борилмоқда. Унда кемалар таркибини модернизация қилиш ва замонавий қуроллар билан жиҳозлаш, 5 та патруль кемаси қуриш, шунингдек, мавжуд куч ва воситаларнинг жанговар шайлигини янада ошириш кўзда тутилган. Маҳаллий «Бродосплит» корхонаси томонидан қурилган патруль кемалари 2020 йилгача мамлакат ҳарбий флоти таркибига киритилиши режалаштирилган.

Пўлат САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.




ҚУРУҚЛИКДАГИ ҚЎШИНЛАР

Умумий сони – 13 000 киши

-  Жанговар танклар – 260 та
-  Зирхли жанговар машиналар – 250 та
-  Артиллерия тўплари ва миномётлар – 1 100 дан зиёд.
-  Танкка қарши воситалар – 500 дан ортиқ
-  Ракета тизимлари – 500 тага яқин

ҲАРБИЙ ҲАВО КУЧЛАРИ

Умумий сони – 2500 киши

-  Жанговар самолётлар – 12 та яқин (МиГ-21)
-  Ёрдамчи авиация самолётлари (ҳарбий транспорт ва ўқув-машқ самолётлари) – 30 га яқин
-  Жанговар ва транспорт вертолётлари – 30 дан ортиқ (ОН-58Д «Кайова Уорриор» ва ҳ.к.)

ҲАРБИЙ ДЕНГИЗ КУЧЛАРИ

Умумий сони – 2500 киши

-  Жанговар кемалари – 3 та
-  Ракета катерлари – 15 та
-  Ёрдамчи кемалари – 14 та
-  Мина-трал кемаси – 1 та
-  Сув ости кемалари – 1 та («Тип-214НН», 209/1 100, 209/1 200 лойиҳасидаги)
-  Десант кемалари – 12 та
-  Фрегатлари – 14 та
-  Корветлари – 12 та
-  Соқчи катерлар – 6 та
-  Денгиз авиацияси – 21 та вертолёт.

МИНТАҚАДА

ОФАТ ОҚИБАТЛАРИ ЁРИТИЛМАДИ



Туркменистон телевидениесининг «Ватан» бош ахборот дастурининг 29 апрелдаги эфиринда Лебап вилоятидаги огир аҳвол эсга олинмаган. 27 апрель кунни бу вилоятга бўрон ва қаттиқ шамол ёпирилиши оқибатида қатор аҳоли пунктларида юзлаб оилалар бошпанасиз қолган. Туркманобода (қисман), Керки ва Форобда (тўлиқ) икки суткадан буён электр токи, табиий газ ва ичимлик суви йўқ, деб ёзади Turkmennews.

Ижтимоий тармоқларда туркменистонликлар томонидан бонг урилаётган табиий офат оқибатлари ҳақида ахборот дастурида маълумот берилмаган.

ПРЕЗИДЕНТ ВАКОЛАТЛАРИГА ДОИР



Қозоғистон парламенти қуйи палатасида фавқулодда вазият масалалари бўйича қонун лойиҳаси биринчи ўқишдаёқ қабул қилинди.

Ушбу ҳужжат Президент ваколатларини кенгайтиради. Иқтисодиёт вазири Руслан Даленовнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасидан мақсад фавқулодда вазият вақтида ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш учун тезкор чоралар қабул қилиш имконияти ҳисобланади. Мазкур ҳужжатлар фавқулодда вазият тугаши билан ўз кучини йўқотади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

РУСЧА ҚЎШИМЧАЛАР ТАҚИҚЛАНАДИ



Тожикистон парламенти матбуот хизматининг хабар беришича, қуйи палата фуқароларнинг фамилия ва отасининг исмида рус тилидаги қўшимчалардан фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидаги ҳукумат таклифини қўллаб-қувватлади. «Тожикистонда туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар рус тилига хос бўлган «вич», «ов», «ев», «ева», «овна» қўшимчаларисиз берилади. Уларнинг ўрнига тожик тилига хос бўлган қўшимчалар ишлатилади: «зод», «зода», «он», «ён», «духт», «пур» ва «фор». Миллий озчилик вакиллари учун истисно мавжуд», дейилади хабарда.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Хайрли ишлар давом этмоқда

Мамлакатимизда коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий тузилмалари ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган оилаларга зарур кўмак кўрсатиш бўйича тезкор чора-тадбирларни ўтказиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органлари томонидан ҳам бу жараёнда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам бериш мақсадида амалий чоралар кўриломоқда.

Жумладан, Навоий ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан вилоят прокуратураси ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси билан ҳамкорликда хизмат мажбуриятларини бажариш вақтида ногирон бўлиб қолган ёки вафот этган ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ҳолидан хабар олиш ҳамда уларга эҳтиёж учун зарур бўлган асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш мақсадида хонадонларга ташриф буюрилди.

Узоқ йиллар Мудофаа вазирлиги тизимида

хизмат қилиб, вазибаларини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи капитан Азиз Раҳимовнинг Навоий шаҳри Маҳмуд Таробий кўчасида яшовчи турмуш ўртоғи Холида Рустимова ҳам она, ҳам ота сифатида икки нафар фарзандини вояга етказмоқда.

Ғалаба шохкўчасида истиқомат қилувчи Азима Мирзаева ва собиқ ҳарбий хизматчи, I гуруҳ ногирони Толубай бобо Элчиевнинг хонадонларига ташриф уюштирилиб, уларнинг ҳолидан хабар олинди ва зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда тиббий воситалар етказиб берилди.

Мазкур тадбир жараёнида вилоят ҳудудидаги жами 50 нафар мана шундай собиқ ҳарбий хизматчи ва марҳум ҳарбийларнинг оила аъзоларига моддий ёрдам кўрсатилиб, ҳар бир оилага 20 га яқин асосий озиқ-овқат маҳсулотлари беғараз тарқатилди.

Ҳозир ҳар биримиз учун катта синов даври. Бугунги ана шундай кунларда барча соҳа вакиллари бирдамликда ўз меҳнати ва кўмаги билан халқимиз учун кеча-ю кундуз хизмат олиб бораётганлиги коронавирус пандемиясини тез ва сабот билан енгиб ўтишимизда, шубҳасиз, катта мадад бўлади.

**Адлия подполковниги
Сардор СОБИРОВ,
Навоий ҳарбий прокурорининг
катта ёрдамчиси**

Болажонлар учун китоблар



Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлигига қарашли бўлинмалар ва ҳарбий шаҳарчаларда шахсий таркиб ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида озиқ-овқат ярмаркалари ташкил қилинаётганидан хабарингиз бор.

Хусусан, қўмондонликнинг Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд, Навоий ва Фарғона вилоятида жойлашган ҳарбий қисмларида мунтазам равишда арзонлаштирилган нархдаги кўчма савдо ярмаркалари ўтказилляпти.

Бу сафарги ярмаркалар давомида арзонлаштирилган нархдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва гигиеник воситалар билан бир қаторда болажонлар учун китоблар савдоси ҳам йўлга қўйилди. Яратилаётган бундай қулайликлардан ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ниҳоятда мамнун. Зеро, ҳар қандай ғамхўрлик рабат саналиб, доимо олға қадам босишга ундайди.

**Капитан Фарида БОБОЖОНОВА,
Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари
қўмондонлиги матбуот хизмати бошлиғи**



Кўчма савдо ярмаркаси

Тошкент ҳарбий прокуратураси Яшнобод тумани прокуратураси, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти туман бўлими ҳамда маҳаллий тадбиркорлар билан ҳамкорликда Яшнобод туманидаги ҳарбий шаҳарчада кўчма савдо ярмаркаси ташкил этилди. Унда аҳолининг кундалик эҳтиёжлари учун зарур бўлган озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари арзон нархларда сотувга қўйилди.

Аҳолининг соғлигини сақлаш мақсадида ярмарка ташкил этилган ҳудудда дастлаб дезинфекция ишлари олиб борилди. Кўчма савдо ярмаркасида иштирок этганлар карантин талабларидан келиб чиқиб, оралик масофани сақлаган ҳолда харидларни амалга оширдилар.

**Адлия майори Г. ТУРСУНОВА,
Тошкент ҳарбий прокурори ёрдамчиси**

Халққа хизмат – олий саодат

Коронавирус пандемияси кенг тарқалишининг олдини олиш мақсадида мамлакатимизда карантин тартиби амалда бўлган бугунги шароитда биринчи галда фуқароларимизнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш масаласи давлатимиз олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органлари томонидан ҳам мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Хоразм вилоятининг янги ташкил этилган Тупроққалъа туманидаги ҳарбийлар шаҳарчасида Урганч ҳарбий прокуратураси томонидан вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Хазорасп тумани бўлими билан ҳамкорликда кўчма савдо ярмаркаси ташкил этилди. Тумани марказидан анча олисда бўлган ҳарбий шаҳарча аҳолисини сифатли ҳамда арзон нархлардаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида режали равишда бундай ярмаркалар ўтказилмоқда. Бу ярмаркада ҳам шаҳарча аҳолисига зарур маҳсулотларни уйдан узоққа бормасдан харид қилишлари учун барча қулайлик ва шароитлар яратиб берилди.

Ўз навбатида, ҳарбий шаҳарча ва савдо нуқтаси ҳудудининг мутахассислар томонидан мунтазам дезинфекция ишлари олиб борилиши таъминланди. Бунинг учун эса зарур барча куч ва транспорт воситалари жалб қилинди. Албатта, тинчлигимизни сақлашга ҳисса қўшаётган ҳарбийлар учун бу каби шароитларнинг яратилиши уларнинг хотиржам ўз вазиматларини давом эттиришларига замин яратди.

Шунингдек, хайрия тадбирлари давом эттирилиб, шу кунги ҳарбий прокуратура ва Хазорасп тумани мудофаа ишлари бўлими ҳамкорлигида Тўпроққалъа тумани Шарлауқ кўчаси, 47-уйда истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Саттор Аллаяровнинг яшаш уйига ташриф буюрилиб, дастлаб хонадон ҳудудига мутахассислар томонидан махсус суюқликлар билан ишлов берилди. Шундан сўнг Саттор Аллаяровга Ғалабанинг 75 йиллиги эсдалик юбилей медали ҳамда совғалар топширилди.

Ҳамкорликдаги хайрли тадбирлар давом эттирилиб, кекса, ижтимоий кўмакка муҳтож, жисмоний имконияти чекланган кишиларга ёрдам бериш мақсадида ҳарбий прокуратура ва фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимларидан иборат кўнгилилар томонидан Тупроққалъа тумани Жайхун кўчаси, 19-уйда яшовчи Санамжон Абдуллаевнинг хонадонидagi томорқа ери ободонлаштирилди. Ишлов берилган ерга сабзавот кўчатлари экилиб, томорқа майдони сўғорилди.

Бугунги синовли кунларда амалга оширилаётган тадбирлар армия ва халқ бир тану бир жон эканлигини, барча давлат органлари халқ манфаати учун хизмат қилишини ҳамда ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмаслигини амалда яна бир бор яққол кўрсатмоқда.

**Адлия катта лейтенанти
Улуғбек ДАУБАЕВ,
Урганч ҳарбий прокуратураси
катта терговчиси**



ENG KATTA SEHR

Bir sehrar bo'lgan ekan. Uning qo'lidan hamma ish kelar ekan. Istasa, tap-taqir cho'l o'rnida dengiz yarata olar ekan. Yalang joyda qasr paydo qilish ham uning uchun arzimagan yumush ekan. Ammo bu ishlaridan sehrarning ko'ngli to'lmas ekan. Kunlarning birida u odamlarning baxt haqidagi fikrlarini bilmoqchi bo'libdi. Axir ular sehrarlikdan bexabar bo'lsalar ham baxtli yashashar ekanlar-da! Sehrar yo'lida yelkasiga og'ir qop ortmoqlagan o'tkinchini uchratib qolibdi.

- Zildaymi? - so'rabdi sehrar.

- Zilday bo'lganda-chi! - debdi yo'lovchi.

- Istasang, yuqingni yengillatib beraman. Ter ham to'kmaysan, mashaqqat ham chekmaysan, yumushing osongina amalga oshadi, - debdi sehrar.

- Yo'q, menga bunaqa ko'makning keragi yo'q, - debdi yuk ko'targan yo'lovchi.

Sehrar yo'lovchining javobidan hayron bo'libdi:

- Axir, qop judayam og'ir deyapsan-ku!

- Shunday bo'lmasa bo'lmaydi! - debdi yo'lovchi.

- Hamma narsa osongina bitaversa, nimadan sevinib, nimadan xursand bo'laman?

- Gaping rost, - debdi sehrar. - Mana mening qo'limdan hamma ish keladi, ammo sira quvona olmayman.

- Uy ham qura olasanmi? - so'rabdi yo'lovchi ishonqiramay.

Sehrar javob berish o'rniga qo'lini yengilgina silkitibdi, shu onda ularning yonida mo'risidan pag'a-pag'a tutun burqsib turgan uy paydo bo'libdi.

- Qoyil! - debdi yo'lovchi entikib, keyin qo'shib qo'yibdi: - Bunaqa uyni... o'z qo'ling bilan qurganigga ne yetsin...

- Sen haqiqatan ham baxtlimisan? - so'rabdi sehrar.

- Qopni manziliga olib borsam, mendan baxtli odam bo'lmaydi, - javob beribdi yo'lovchi.

- Uni manziliga men eltisha qolay bo'lmasa, - debdi sehrar va qopni yelkasiga ortmoqlab olibdi.

Manzil olis ekan. Ular ketaveribdilar, ketaveribdilar.

- Hali uzoqmi? - so'rabdi terga bota boshlagan sehrar.

- Uzoq, - javob beribdi qop egasi.

- Dam olsakmikan? - so'rabdi sehrar hansirab.

- Yaxshisi, yo'ldan qolmaganimiz ma'qul, - debdi unga javoban yo'lovchi. - Yo'qsa quvonchimiz tez tarqab ketadi.

Ular, nihoyat, manziliga yetib kelibdilar.

- Keldik, - debdi yo'lovchi sehrarga.

Sehrar qopni yelkasidan tushiribdi, u horib-charchagan bo'lsa ham, yuzida tabassum o'ynab, yerga yotib olibdi.


- Ha! - debdi sehrar peshonasidagi marjon-marjon terlarini artar ekan. - Baxt nimaligini angladim, buning uchun senga katta rahmat, birodar.

- Beminnat yordaming uchun senga ham tashakkur! - debdi yo'lovchi.

Sehrar o'sha kundan boshlab afsungarlik ishlarini butunlay yig'ishtiribdi. O'z qo'li, o'z mehnati bilan uy qura boshlabdi. Quyosh chiqmasidan burun bog'ga yo'l oladigan, dalalarga suv taraydigan bo'libdi. Doimo qilgan mehnatining mahsulidan quvonib, baxtli hayot kechiribdi.

«Ibratli hikoyatlar» kitobidan olindi.

O'XSHASHINI TOPING



O'YLA, IZLA, TOP!



ЎЗИМИЗ ҲАҚИМИЗДА ЎЗИМИЗ

АФРИКА ҚИТЪАСИДАН БОШЛАНГАН АНЪАНА

1991 йилнинг 3 майида Намибиянинг Виндхук шаҳрида матбуот эркинлигига бағишлаб халқаро анжуман ўтказилади. Унда Африка давлатлари газета-журнал муҳаррирлари дунё ҳукуматларини ОАВ эркинлигини таъминлашга, журналистларнинг ҳақиқатни юзага чиқариш йўлидаги чиқишларига тоқатли бўлишга даъват этади. Учрашув матбуот эркинлиги тўғрисидаги Декларациянинг имзоланиши билан якун топди. Орадан икки йил ўтгач, БМТ томонидан 3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги куни, деб эълон қилинди. Шу-шу, «қора қитъа»дан бошланган хайрли тadbир дунё миқёсидаги халқаро байрамга айланди.

«ГИЛЕРМО КАНО» ҚИМГА НАСИБ ЭТДИ?

3 май куни катта ижодий маҳорат ва жасорат кўрсатган журналистларга Гилермо Кано номидаги халқаро мукофот топшириш ҳам анъанага айланиб қолган.

Гилермо Кано колумбиялик журналист бўлган. У «Эл-Эспектадор» газетасида эълон қилинган коррупция ва наркосавдо тўғрисидаги ўткир мақолалари билан танилган. Канонинг қонун панасидаги асл жиноятчиларни фош қилиш йўлидаги ҳаракатлари жиний тўдаларга маъқул келмади: кўрқмас журналист 1986 йили ўлдирилди.

«Фидойи журналист» номи билан аталувчи мукофотга 1997 йили ЮНЕСКО томонидан асос солинган. Ўтган йиллар давомида бу мукофотга сазовор бўлганлар:

- Гао Ю – матбуот эркинлиги йўлида курашгани учун Хитойда «халқ душмани» деб эълон қилинган ва кўп йиллар маҳкумлик ҳаётини бошдан кечирган;
- Кристина Анианву – Нигерия ҳукумати юқори мансабдорларини танқид қилгани учун ҳибсга олинган;
- Есус Бланкорнелас – Мексикада кенг тарқалган наркотик моддалар савдоси мавзусида илк журналист текширувларини олиб борган;
- Низор Наюф – Сурияда нашр этиладиган «Демократия овози» газетасига муҳаррирлик қилган, юқори

Жаҳон матбуоти эркинлиги куни 1993 йилдан буён ҳар йили 3 май куни бутун дунёда кенг нишонланади. Бу санада бутун сайёрамизда «тўртинчи ҳокимият» эгалари матбуот ва сўз эркинлиги байрамини тантана қиладилар. Шу куни дунё миқёсида кўплаб тadbирлар ўтказилади, ОАВ эркинлиги жаbҳасида эришилган ютуқлар, бу борадаги тўсиқ ва муаммолар муҳокама этилади, бир сўз билан айтганда, 3 май куни матбуот эркинлиги сарҳисоби бўлади.



мансабдорлар билан келишолмагани сабабли узоқ йилга озодликдан маҳрум этилган;

– У Вин Тин – Бирмада чоп этилган «Хантавати» кундалик газетаси муҳаррири, мухолифатдаги партия етакчиси, сиёсий фаолияти учун 1989 йилдан буён қамоқда сақланмоқда.

ЎЗИМИЗДА

Бизда ҳар йили шу сана муносабати билан «Олтин қалам» миллий мукофоти учун халқаро танлов ўтказилади ва ғолиблар тақдирланади. Бу йил бутун дунёни қамраб олган пандемия сабаб танлов ўтказилмади.

ФАХРЛАНАМИЗ

Чунки бу кунда тахририятимиз учун ёдга олинмаган воқеалар бисёр. 2009 – 2019 йиллар ичида бир марта тахририят ҳамда 4 нафар газета ходимлари: Алижон Сафаров, Инобат Иброҳимова, Баҳром Абдурахимов ва Гулнора Хожимуорова «Олтин қалам» халқаро танловининг ғолиби ва совриндорлари сафидан жой олган.

Шу кунга қадар севимли нашрингиз «Ватанпарвар» газетаси ходимларининг 1 нафари «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» унвони, 1 нафари «Жасорат» медали, 7 нафари «Шухрат» медали билан тақдирланган. 1 нафар ходимимиз эса Президентдан эсдалик совға олган. 2 нафар ходимимиз «Йилнинг энг фаол журналисти» танлови ғолиби бўлган. Яна 2 нафари «Йилнинг энг фаол спорт журналисти» дея эътироф этилган бўлса, 1 нафари «Атиргул» танловида совриндор бўлган. 2 нафар ходимимиз Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси бўлган.

Тахририят бош муҳаррири майор Аҳрор Очилов 2018 йил 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан «Шухрат» медали билан тақдирланди.

Мухбиримиз Зулфия Юнусованинг хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ҳаётига бағишланган «Ёвқурлар» киносценарийси республика танловида 2-ўринни эгаллаб, у асосда «Ҳаёт» бадиий фильми суратга олинди.

Ана шунча!

ТАХРИРИЯТ

БИР ЧИМДИМ

Осонлаштиринг,
қийинлаштиринг, хурсанд
қилинг, нафратлантингманг.

ҲАДИС

БИЛАСИЗМИ?

Туладаги артиллерия заводи полигонда кўпроқ қиш ойларида синов ўтказилади. Яъни қишни пушкани синаш учун қулай пайт деб билишади. Нима учун?

Жавоб: сарфаришнинг қиш вазири
қилишнинг қиш вазири
қилишнинг қиш вазири

БИЛАСИЗМИ?

1600 – 1610 йиллар орасида Францияда 2000 дан ошиб зиёли ва ҳарбийлар ҳалок бўлган. Улар орасида биронта ҳам деҳқон ёки ҳунарманд бўлмаган. Нима учун ва бу қандай уруш ёки жанг бўлган?

Жавоб: қиш вазирининг қиш вазири
қилишнинг қиш вазири
қилишнинг қиш вазири
қилишнинг қиш вазири
қилишнинг қиш вазири
қилишнинг қиш вазири
қилишнинг қиш вазири
қилишнинг қиш вазири
қилишнинг қиш вазири
қилишнинг қиш вазири

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

Карантин бекор
қилинади...

Нишолдами,
нишалло?

VATANPARVAR

Муассис:

Бош муҳаррир:
майор
Аҳрор ОЧИЛОВ

Навбатчи:

майор
Гулнора ХОЖИМУРОДОВА

Саҳифаловчилар:

лейтенант
Рамиз ВАЛИЕВ
III даражали сержант
Олим БЕРДИЕВ

Мусаҳҳиҳлар:

Зебо САРИЕВА
Сайёра МЕЛИҚУЗИЕВА
Мастура ҚУРБОНОВА

Телефонлар:

71-260-36-50
Факс: 71-260-32-29.

ISSN 2010-5541

Тахририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти «Ватанпарвар» Бирлашган тахририятининг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Буюртма: г-562

Ҳажми: 6 босма табоқ.

Бичими: А3.

Адади: 31 683 нусха.

Босишга топшириш вақти:

14:00.

Топширилди: 14:30.

Газета жума куни чиқади. Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Нашр кўрсаткичи: 114.

Баҳоси: келишилган нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз:

100164, Тошкент,
Университет кўчаси, 1-уй.



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИ